БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 99 (17.679). • 29 апрель 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ, САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ!

БУТУН КУЧНИ УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШГА САРФЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

«ПРОГРЕСС-9» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг бундан буён ҳам ишлашини таъминлаш программасига мувофиқ 1980 йил 27 апрель куни Москва вақти билан соат 9 дан 24 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс-9» автомат юк транспорт кемаси учирилди.

«Прогресс-9» кемасини учиришдан кузатилган мақсад сарфланаётган материалларни ва турли юкларни «Салют-6» орбитал илмий станциясига элтиб беришдан иборат.

Транспорт кемаси параметрлари қуйидагича орбитага чиқарилди:

— Ер юзасидан максимал олислиги—275 километр;

— Ер юзасидан минимал олислиги — 192 километр;

— Айланиш даври —88,9 минут;

— Оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Прогресс-9» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

РОСТОВДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Москвага қайтаётиб 28 апрель куни Ростовда тўхтаб ўтди. Бу ерда у КПСС область комитети бюросининг аъзолари билан учрашди ва суҳбатлашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. У. Черненко иштирок этди.

КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко Дон меҳнаткашларининг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини, беш йилликнинг якунловчи йили ва умуман беш йиллик планини бажариш соҳасидаги ишлари ҳақида гапириб берди.

Ўрток Л. И. Брежнев қўкламги дала ишларининг бориши, дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажариш. «Муддатидан барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз!» шиори остидаги ташаббусни ривожлантириш борасида область партия ташкилотининг иши билан қизиқди, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари учун уларга миннатдорчилик билдиришни илтимос қилди. Ўрток Л. И. Брежнев қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мажбуриятларини бажаришга қатъий аҳд қилганликларини мамнуният билан таъкидлади.

Леонид Ильич қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига, комбайнсозларга, Атоммаш қурувчилари ва ишлатувчиларига, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг вакилларига Ватаннинг иқтисодий қудратини янада ошириш соҳасида партия қарорларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилади. У Биринчи май, совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 35 йиллиги муносабати билан Донниинг барча меҳнаткашларига самимий қутловлар топширди, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади.

(ТАСС).



Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг тажрибали деҳқон Улжабой Исроилов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Шу кунларда бригада экин майдонларида қийғос униб чиққан ниҳолларнинг дастлабки парвариши қизғин давом этмоқда.

А. Абалян фотоси.

ЛЕНИН ВАСИЯТ ҚИЛГАН ДЎСТЛИККА СОДИҚМИЗ

Тошкентда «Университетлар дўстлиги ҳафталиги» тугади.

Ушбу анъанавий фестиваль йигит ва қизларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги тобора ўсиб бораётганлигини, уларнинг маънавий, эстетик ва жисмоний тарбия соҳасида эришган муваффақиятларини, олий ўқув юртлари ўртасида дўстона ва амалий алоқаларни бундан буён ҳам сақлаб мустаҳкамлашга тайёр эканликларини яна бир бор намойиш қилди.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг студентлар шаҳарчасида фестиваль иштирокчиларининг катта интернационал митинги бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

28 апрель куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Нигерия Федератив Республикаси пўлат қуйиш саноати министри П. Уноиго билан суҳбати бўлиб ўтди.

Министр Нигерия президенти Ал Хажи Шеху Шагарининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга йўллаган мактубини топширди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет—Нигерия муносабатлари масалалари, шуниндек, ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Томонлар ҳозирги шароитларда турли мамлакатларнинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш йўлидаги актив куч-ғайратларининг аҳамияти алоҳида ошаётганлигини таъкидладилар.

Совет—Нигерия ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этилди. Бу ҳамкорлик Ажаокутела металлургия заводини қуриш тўғрисида ўтган йилнинг июлида тузилган шартноманинг бажарилиши натижасида янада кенг қулоч ёймоқда.

Суҳбатда Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, Нигериянинг СССРдаги элчиси Ж. Олаитан ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ТАСС).

ПАРИЖДАГИ АНЖУМАНГА

Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг тинчлик ҳамда қуролсизланишга бағишланган учрашувида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси 27 апрелда Москвадан Парижга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирларининг биринчи ўринбосарлари В. В. Загладин ва О. Б. Рахманин бор.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҒАЛАБАНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

Жанговар йилларни эслаб

В. И. Ленин номли Марказий музейнинг Тошкент филиалида Улуғ Ватан уруши бошларида Тошкент областида ташкил этилган 194-Речицк ўқчи дивизияси ветеранларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шу учрашувга келган пионерлар ва комсомоллар дивизиянинг босиб ўтган жанговар шонли йўли тўғрисида ветеранларнинг ҳикоясини эҳтиёт эътибор билан тингладилар. Уруш ветеранлари совет комитети Тошкент область секциясининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Д. Бобоев, ветеранлар совет комитети секциясининг раиси Л. П. Гречко ва учрашувнинг бошқа иштирокчилари Москва остоналарида, Курск ёйида, Белоруссия ва Польшани озод этишда, Кенигсберг қалъасини штурм қилишда 194-дивизия жангчиларининг шонли жасорати тўғрисида учрашув иштирокчиларига гапириб бердилар.

Ёшлар совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ўз ота-боболарининг улуғ жасоратини қалбларимизда абадий сақлаймиз, деб қасамёд этишди.

(ЎзТАГ).

ШОНЛИ КУНГА БАҒИШЛАНАДИ

28 апрель куни Тошкентда «Республика меҳнаткашларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг актуал масалалари» мавзуида бошланган конференция совет халқининг гитлерчи ғалалар устидан қозонган улуғ Ғалабаси 35 йиллигига бағишланди.

Конференцияда партия ва комсомол комитетларининг лекторлари, «Билим» жамиятининг аъзолари, республика маъмурий органларининг, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг ходимлари, партия, меҳнат ветеранлари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари иштирок этмоқдалар.

Конференциянинг кун тартибига кўра, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасида Коммунистик партиянинг илҳомлантирувчи ва ташкилотчилик роли тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида меҳнаткашларни интернационал ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида ва бошқа бир қанча масалалар тўғрисида доклад қилинади.

(ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ПАРИЖ, 28 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Европа коммунистик ва ишчи партияларининг тинчлик ва қуролсизланишга бағишланган учрашуви бошланди. Учрашувни уни чақириш ташаббусчилари — Франция Компартияси ва Польша Бирлашган ишчи партияси номидан ФКП Сиёсий бюросининг аъзоси, ФКП Марказий Комитетининг секретари М. Гремец очди. У учрашувнинг иши Европада тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш олижаноб ишига қўшилган фойдали ҳисса бўлади, деб ишонч билдирди.

Коммунистларнинг Париждаги анжумани Европа тинчликсевар кучларининг тинчлик ва кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш учун, эўрайиб бораётган ҳарбий хавфга ва империалистик доиралар жадаллаштираётган қуролланиш пойгасини авж олдиришга қарши курашида муҳим бир босқичдир. Икки кун давом этадиган учрашувга қитъамиз шарқий ва ғарбий қисмидаги қардош партияларнинг вакиллари тўпландилар.

Бугун учрашувда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев нутқ сўзлади.

Б. Н. Пономарев учрашувда ҳозир бўлган партияларнинг раҳбарларига совет коммунистлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номидан салом топширди.

КПСС делегацияси, деди у сўнгра, ушбу учрашувнинг зарурлиги ва шошилинч характерда эканлигини таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди. Бужудга келган сиёсий аҳвол хусусида энг муҳими эса Европа, бутун дунёга солинаётган ҳарбий хавф-хатарга қарши қўйилиши мумкин бўлган қадамлар хусусида тезда ишчанлик билан маслаҳатлашиб олиш зарур. АҚШ ва НАТО блоки узоқ муддатли, кучайиб борувчи қуролланиш пойгасига ҳамда қуролсизланишга бағишланган музокараларни бўғиб қўйишга, жаҳонда вужудга келган ҳарбий мувозанатга путур етказишга, тенглик ва бирдай хавфсизлик принципидан воз кечишга умид боғламоқдалар. Бу йўл социализм мамлакатлари билан қарама-қаршилик йўлидир. Бу йўл Америка империализмининг дунёдаги кўпгина мамлакатлар ва районлар устидан ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадларида монополияларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа давлатлар ва халқларнинг ишларига очиқдан-очиқ, шу жумладан ҳарбий жиҳатдан аралашиш йўлидир.

Биз, коммунистлар учун, деди Б. Н. Пономарев, дунёжуда катта прогрессив ўзгаришлари бошидан кечираётган бир пайтда замонамизнинг энг муҳим масаласи — уруш ва тинчлик масаласи яна ўткир равишда қўйилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Социал тараққиётга халақит бериш, ҳатто уни орқага буриш истаги ядро қуролини ўқталиш практикасини, дунёнинг, айниқса, мутлақо қонунга хилоф равишда «Американинг ва эркин дунёнинг ҳаётий манфаатлари доираси» деб эълон этилган мамлакатларни ва районларида куч ишлатиш практикасини вужудга келтиради. Америка империализмининг ҳам шакланг, ҳам мазмунан тельбалик, авантюристик сиёсатининг манбаи мана шу ерда. Бу сиёсат Варшава шартномаси мамлакатлари, Куба, Вьетнамгагина эмас, шу билан бирга бошқа кўпгина мамлакатларга ҳам қарши қаратилгандир. Эронга қарши агрессив ҳаракатлар бунга яққол мисоллир. Барча оғоҳлантиришларга қарамай, АҚШнинг суверен давлат территориясига қуролланган десант туширишга борасидаги сўнгги ҳаракати Америка маъмуриятининг ҳаёсизларча ва авантюристик ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади.

Зотан, жар ёқасига югуришдан тўхтатиш, милитаристик кучларнинг ёвуз режалари пайини қирқиш имкониятлари бор, деб давом қилди Б. Н. Пономарев. Айниқса, Европада «кескинликни юмшатиш потенциали» катта. Бу ерда кескинликни юмшатиш, айниқса, чуқур илдиз отган.

Лекин Вашингтоннинг стратегияси Европага ва бутун планетага келтираётган хавф-хатар тўғрисида гапиришнинг ўзи камлик қилади. Ҳаракат қилмоқ керак. Ҳаракат қилганда ҳам ташаббус кўрсатиб актив суратда, собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқ зарур. Шу жиҳатдан олганда Париждаги учрашувимизнинг ўзиёқ муҳимдир.

Коммунистлар ишчилар синфита, деҳқонлар ва зиёлиларга, касаба союзлар, диний доиралар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга, фан ва санъат арбобларига, парламент аъзолари ва савдо-саноат доирасидаги кишиларга мурожаат қилиб бутун кучғайратни:

— қитъамизда Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш хусусидаги НАТО блокининг хатарли режаларини барбод этишга;

— бутун инсониятга фалокатли оқибатлар келтириши мумкин бўлган қуролланиш пойгаси янги даврасига йўл қўймасликка;

— Хельсинкида қабул қилинган якунловчи актга бўладиган ҳуружларни даф этиб, Европадаги социалистик ва капиталистик давлатлар ўртасидаги бутун тинч ҳамкорлик ишининг саботаж этилишига йўл қўймасликка;

— 70-йилларда йўлга қўйилган фан, маданият, маориф ва спорт соҳасидаги алоқалар структураси бузилишига йўл қўймасликка, халқлар ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик ва дўстлик ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни улоқтириб ташлашга;

— Вашингтоннинг Ғарбий Европага ғарбий европаликларнинг миллий манфаатларига зид келувчи, уларни ўз уйларидан олисдаги авантюралар домига тортиш хавфини туғдирувчи «жаҳон жандарми» гумаштаси ролини ўтказиш ниятларига қатъиян қарши чиқишга;

— тинчлик ва кескинликни юмшатиш душманларининг макрли ниятларини, уларнинг милитаристик режаларини фош этишга, оммавий ахборот воситалари уруш ва қуролланиш пойгасидан бойиб қолувчилар учун эмас, балки Европадаги халқлар ўртасида тинчлик ва яқинлашиш ишига хизмат қилишига эришишга ҳаракат қиламиз деб айтиш учун тўла маънавий ҳуқуқга эгадирлар, бу аслида уларнинг бурчидир!

Европаликларнинг ва социалистик Европада ҳамда қитъанинг капиталистик қисмида яшаётганларнинг бирлашган куч-ғайратларигина уруш хавфига мустаҳкам ғов солиши мумкин. Зеро, халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги билан социализм бирбиридан ажралмасдир.

Совет Иттифоқига келганда, деб таъкидлади Б. Н. Пономарев, ҳозир, шу кескин хатарли вазиятда ҳам у ўз бурчини — тинчликсевар давлат бурчини бажаришига ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак.

Халқлар ҳеч қандай «совет ҳарбий хавфи» йўқлигини билишлари керак. СССРнинг Ғарбий Европа мамлакатларига ҳам, бошқа мамлакатларга ҳам ҳеч қандай хужум қилиш режалари, ниятлари йўқ. Аксинча, Совет Иттифоқи тинчлик учун, уруш хавфига қарши, Европани ҳалокатли урушдан қутқариш учун тарихий курашда барча тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Европа халқлари янги уруш чиқишига йўл қўймаслик, капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доираларини қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қурол-яроғларни қисқартириш йўлидан боришга мажбур этиш, кескинликни юмшатиш жараёнининг давом эттирилишига эришиш ҳамда халқаро муносабатлар ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ривожланишини таъминлаш учун ҳамма ишларни қила оладилар ва қилишга даъват этилгандирлар.

Бу учрашувда биз қабул қиладиган «Даъват», деди пировардида Б. Н. Пономарев, урушга қарши чиқувчи ҳамма кучлар — коммунистлар, социалистлар ва социал-демократлар, бошқа сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар, шу жумладан христианларнинг ҳаракатлари кенг қўламда бирлашуви зарурлиги тўғрисидаги фикр билан йўғрилган. Тинчлик—муштарак мулк бўлиб, тинчликни истайдиган ҳамма халқлар билан олдиндан бирон шарт қўймай ва узоқ тайёргарлик кўрмай, «тинчлик столи» атрофига ўтиришга биз ҳамиша тайёр бўлиб келдик ва бугунги кунда ҳам тайёрмиз. Шу билан бирга, Л. И. Брежнев айтганидек, «мустаҳкам тинчликка олиб борадиган ҳар бир йўл биз учун мақбул ва маъқулдир».

КПСС нуқтаи назаридан бу «Даъват» барча коммунистик партияларнинг, шу жумладан вакиллари бирон сабабга биноан мазкур учрашувимизда ҳозир бўлмаган партияларнинг муддаолари ва позицияларини акс эттиради.

Бу учрашув бундан кейин нима иш қилиш кераклиги, Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун кураш методлари ва йўналишлари, бутун Европадаги қардош партияларнинг бундан буёнги коллектив хатти-ҳаракатлари юзасидан ниҳоятда ўз вақтида бошланган яхши ташаббус бўлмоғи учун қандай йўл тутиш лозимлиги масаласи хусусидадир. Бонг уриб, енг шимариб тинчлик учун ишлаш, урушга қарши чиқаётганларнинг ҳаммасини бу ишга жалб қилиш, уларга жонли конкрет иш билан ўрнак кўрсатиш керак бўлиб турган бир пайтда инсониятнинг тақдири учун зиммасига жуда катта масъулият юкланган биз, коммунистлар баҳсга мукка тушиб кетмайлик.

ЧОРВА МОЛЛАР УЧУН „ОШХОНА“

Чорва моллар учун мўлкўл ем-хашак жамгариш билан бир қаторда, тайёрланган озуқани нобуд қилмай, ундан тўла ва самарали фойдаланилганидагина кутилган натижага эришиш мумкин. Бу соҳада чорвадорлар тинмай изланмоқдалар, чорва моллар учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаш билан бирга, ундан яхшироқ фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар. Калинин районидаги «Иваново» совхозининг чорвачилик комплекси территориясида озуқа тайёрловчи линия қурилиб, ишга туширилганлиги бунинг далилидир.

Қирғизистон ССР Ўш областининг чорвадорларидан ибрат олиб қурилган бу линия 80 метр узунликдаги транспортёр, унинг икки томонига ўрнатилган «КТУ-10» маркали учта универсал тележкалар, омуҳта ем, туз эритмаси ва бошқа микроэлементлар солиб қўйиладиган иккита идиш ҳамда озуқа аралашмасини майдаловчи «КИР-1,5» маркали ротацион косилкадан иборат. Гап шундаки, линия ҳаракатга келгач, аввал тележкаларнинг биридан маълум миқдорда беда пичани, иккинчисидан сенаж, учинчисидан силос тушса, сўнг иккита идишнинг биридан омуҳта ем, иккинчисидан эса аралашмани намлаш учун намокоп ва микроэлементлар солиб қўйиладиган иккита идиш ҳамда озуқа аралашмасини майдаловчи «КИР-1,5» маркали ротацион косилка майин қилиб майдалаб чиқаради. Ўзига хос «ошхона»да тайёрланган бу хилдаги озуқани чорва моллар сира ниҳшхўрда чиқармай тўла ейди ва яхши ҳазм қилади. Бу ерда бир соатда 4 тоннага яқин ана шундай озуқа тайёрлаш мумкин.

Совхозда бўлиб ўтган область чорвадорлари семинарининг қатнашчилари —район ижроия комитетларининг раислари, район қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари ва чорвачилик бўйича мутахассислари, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаларининг ходимлари ана шу чорва моллар «ошхонаси»нинг қурилиши ва иш жараёни билан танишдилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 28 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—	100,6
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
Самарқанд	—	97,2
Наманган	1,3	96,7
Сирдарё	—	94,3
Фарғона	0,2	88,6
Андижон	0,7	84,4
Жиззах	0,3	70,9
Хоразм	1,5	43,6
ҚҚАССР	3,3	29,5
Республика бўйича:	0,6	83,8

МЕН ХАЛҚИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН

Ҳамид Олимжон. Бу шоир, гражданнинг, коммунистнинг номи одам диёримизнинг қаеридаяшамасин, ҳар бир кишининг қалбидан жой олади...

Ҳамид Олимжон. Ижодиётини энг азиз нарсага — Ватанни, халқнинг Улуғ Октябрь унга ҳадя этган янги турмушини тараннум этишга бағишлаган шоир ва ёзувчи. Айни мана шу нарса унинг асарларини қайси тилда сўзлашувидан қатъи назар ҳар бир китобхонга яқин ва тушунарли қилиб қўйди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Бугун ажойиб ўзбек шоири Ҳамид Олимжон етмиш ёшга тўлган бўлур эди. Атиги етмиш йил. У мана шу ҳаётнинг ярмигинаяшади. Аммо унинг ўзбек адабиётида В. И. Ленинга бағишланган энг яхши асарларидан бири — «Самарқанд. 1924 йил 21 январь» шеъри ҳам, халқ бахт-саодати учун кураш тўғрисидаги «Семург» қиссаси ҳам, лирикага тўла «Зайнаб ва Омон» поэмаси ҳам, шеърият тили билан қайта айтилган «Ойгул билан Бахтиёр» достони ҳам, халқ тарихининг ёрқин саҳифаси — «Муқанна» драмаси ҳам, фронт газеталарида Улуғ Ватан уруши солдатининг мардлиги, қаҳрамонлиги тўғрисида қалбдан чиқариб ёзилган сатрлар ҳам халқнинг хотирасида яшаб келмоқда...

28 апрель куни Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрида бўлиб ўтган тантанали кеча Ҳамид Олимжон туғилган кунинг етмиш йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. И. Зоҳидов ажойиб ўзбек адибининг ижоди тўғрисида доклад қилди. У Ҳамид Олимжон совет адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳисса жуда катта эканлигини таъкидлади. Халқ ўз шонли фарзандини севади ва ҳурмат қилади, унинг ҳаёти юксак гражданлик, социалистик реализм принципларини қарор топтириш йўлидаги буюк жасоратдир. Ҳамид Олимжон яратган асарларнинг ҳаммаси Ватанга, халққа, партияга садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Кечада қардош республикалар адабиётчиларининг вакиллари, Ватанимизнинг турли томонларидан юбилей тантаналарига келган меҳмонлар Ҳамид Олимжон ижодиётининг аҳамияти тўғрисида, унинг мамлакатимиз халқлари дўстлигини шарафловчи асарлари ҳақида, ўзбек шоирининг жонли каломи тўғрисида гапирдилар.

Ватан — ўзбек шоири пафақат ўзи туғилиб ўсган диёрни, балки бутун мамлакатни шу сўз билан атади. Дастлаввал у мен сенинг ўглингман, деб Россияни ватаним деди. Унинг рус адабиёти билан алоқалари, рус классик ва совет адабиёти энг яхши намуналарини ўзбек тилига қилган таржималари Россияга бўлган фарзандлик меҳр-муҳаббатининг ифодаси эди. У Пушкин, Лермонтов асарлари, Горький, Островский, А. Корнейчук асарларини таржима қилди. Кечада рус шоири Ленин мукофоти лауреати Егорь Исаев Россиянинг шонли фарзанди — Ҳ. Олимжон тўғрисида гапирди.

Украин шоири Александр Ильченко, қозоқ шоири К. Жумагалиев, Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноат, Туркманистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қурбонов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ж. Оймирзаев, озарбайжонлик шоир ва таржимон Аҳад Мухтор, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия юбилей кечасига шоир тўғрисидаги илҳомбахш сўзларини олиб келдилар.

Шоирларнинг сўзлари турли тилларда янгради. Мана шу овозлар орасида Ҳамид Олимжоннинг, халқнинг меҳр-муҳаббатига ва миннатдор хотирасида яшашга сазовор бўлган шоирнинг, бундан кўп йиллар муқаддам ўз қаҳрамони тили билан: — мен халқимнинг юрагида яшайман — деб айтган овози ҳам эшитилиб турди...

Юбилей кечасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаҳонов, О. У. Салимов, Н. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов ҳозир бўлдилар. Кечада СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. М. Кожевников иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Келишиб олинганига мувофиқ, 1980 йил май ойининг ўрталарида Варшава шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши бўлади.

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАНГИЗ, ИШ ВАҚТИНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИНИ ТЕЖАНГИЗ!
МЕТАЛЛ, ХОМ АШЁ, ЁҚИЛҒИ — ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

НАЗОРАТЧИЛАР ҲИСОБОТИ

Ўзбекистонда халқ контроли группалари ва постларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ғоятда юқори ғоявий-сиёсий савияда ўтмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида шу нарса таъкидланмоқдаки, СССРда Халқ контроли тўғрисида Қонун қабул қилингач назорат ишининг самарадорлиги янада ошмоқда. Бутун хўжалик ва маданий қурилиш системасида халқ контроли органларининг роли ҳамда аҳамияти анча ўсди. Эндиликда халқ назоратчиларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар ана шу Қонун, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг назорат ва ижрони текширишга доир кўрсатмалари асосида қараб чиқилмоқда.

Сирдарё область «Боёвут» совхоз-техникуми халқ контроли группасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам юксак партиявий талабчанлик ва принципиаллик, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ўтди. Группа раиси Ж. Ўроқовнинг ҳисобот доклади конференцияда ана шу руҳ қарор топишига имкон берди. Докладда ва бригада бошлиғи Ю. Муллаев, механизатор, СССР Давлат мукофотининг лауреати А. Саидмуродов, сут соғувчи М. Анорбоева, бўлим халқ контроли группаларининг раиси М. Мираминов ва А. Омонтоев, совхоз директори Шоимов ўртоқларнинг нутқларида халқ назоратчилари ўнинчи беш йиллигининг ўтган тўрт йилида амалга оширган ишлар чуқур таҳлил қилиб берилди, бюро ва секторлар, цех группалари ва постлари фаолияти принципиал ва холис баҳоланди, назоратчиларнинг иктимоий бурчни шараф билан бажараётганлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот даврида совхоз халқ контроли группаси ишлаб чиқариш планлари ва топшириқларининг бажарилиши, ерлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтириш, хўжасизликка қарши кураш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича 44 текшириш ўтказди. Уларда совхознинг 180 халқ назоратчиси фаол қатнашди. Партия ташкилоти ва хўжалик маъмурияти халқ назоратчилари камчиликларни бартараф этиш учун олиб бораётган қатъий ва принципиал курашни ҳамиша қўллаб-қувватламоқдалар. Тўққизта текшириш натижаси партия комитетининг мажлисида муҳокама қилинди, 24 текшириш якуни бўйича совхоз маъмуриятининг буйруғи эълон қилинди. Бу тадбирлар кўпгина камчиликларни қиска муддатда бартараф этиш ва нуқсонларнинг олдини олиш имконини берди.

Конференция қатнашчилари шуни таъкидладиларки, халқ назоратчилари совхоз эришаётган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу ютуқлар эса оз эмас. Ўнинчи беш йиллигининг ўтган йиллари мобайнида давлатга 77 минг тоннадан зиёд пахта, 2300 тоннадан зиёд галла ва бошқа кўплаб маҳсулот топширилди. Ўтган йилги натижалар бўйича хўжалик республика социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди. Лекин барча резерв ва имкониятлар ишга солинган тақдирда, бу ютуқлар яна ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Конференцияда 11 та бригада пахта тайёрлаш планини бажармаганлиги, ҳосилдорликни пасайтириб юборганлиги танқид қилинди. Чорвачиликда ҳам фойдаланилмаган резервлар бор.

Нотиқлар эришилган муваффақиятларни танқидий баҳолаб, халқ контроли группаси фаолиятидаги камчиликларни, назорат ишини янада яхшилаш йўлларини кўрсатиб беришди. Конференция қатнашчилари группанинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли топиб, назорат ишини коллектив олдида турган вазифалар билан уйғунлаштириб юборишга доир бир қатор наказлар беришди.

— Шу кунларда пахтакорларимизнинг иши ғоят қизғин, — деди конференцияда сўзга чиққан Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. Хайдуров. — Чигит экиш жадал тус олмоқда. Бу йилги ҳосил тақдири ана шу иш ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Халқ назоратчиларининг бурчи агротехника тадбирларининг бажарилиши устидан муттасил контроль ўрнатишдан, моддий ва техника ресурсларидан самарали фойдаланишни изчил назорат остига олишдан иборат. Конференция қабул қилган резолюцияда кўрсатиб ўтилганидек, халқ назоратчилари фаолиятида хўжаликдаги ишнинг аҳволи чуқур ўрганиш, камчиликларнинг сабабларини қунт билан аниқлаш, текшириш материалларини объектив ва принципиал қараб чиқиш, камчиликларни бартараф этиш ғоят муҳим вазифадир.

Конференцияда халқ контроли группасининг янги состави сайланди. Ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар, хизматчилар, хўжаликнинг актив ва нуфузли кишиларига назорат ишини амалга оширишдан иборат муҳим жамоат топшириғи берилди. Группанинг ташкилий йиғилишида унинг бюроси сайланди. Секторлар ташкил этилди. Ҳар бир назоратчига муқим, конкрет топшириқ берилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишни, тўғри ташкил этиш ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, область партия комитети ва область халқ контроли комитети «Боёвут» совхозида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида партия ва халқ контроли органларининг ходимлари, Боёвут район бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва халқ контроллари группаларининг раислари иштирок этишини лозим топдилар. Бинобарин «Боёвут» совхозида ўтган конференция халқ контроли фаолиятидаги муҳим босқич — ҳисобот ва сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга йўналтирилган ўзига хос тажриба алмашиш мактаби ҳам бўлди.

А. БУГЛАНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

Тошкентдаги пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи эллиқдан зиёд турда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқда. Юқоридаги суратда шу завод ишчан назоратчиларидан (чапдан) С. Моргенштейн, Ш. Абдуҳакимов, Р. Юхтер тасвирланган. Пастдаги суратда эса Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукусдаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» полиграфия комбинати муқова цехи халқ контроли группаси аъзоси (чапдан) О. Ержонова, группа раиси З. Есимбетова, назоратчилардан К. Раимбоева, М. Мамбетирова акс этган.

И. Глауберзон ва Р. Саидов фотолари.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

АКТИВГА ТАЯНИБ

КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчил ҳаётга татбиқ этаётган Самарқанд область, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхози халқ контроли группаси партия ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ўз фаолиятини тобора активлаштирмоқда. Группа 125 назоратчини бирлаштирган. Уларнинг 37 нафари партия, 16 нафари комсомол аъзоларидир.

Текширишларнинг самарали ва ошқорали бўлишида назоратчиларга колхоз правленияси ва партия ташкилоти якиндан ёрдам бераётир. Ўтган йили 25 марта пахтачилик соҳаси, 15 марта чорвачиликнинг рентабеллилигини ошириш масалалари юзасидан текшириш ўтказилди. Шунингдек, ёқилғи, энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалигида комплекс механизация жорий этиш, техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам текширишлар ўтказилди.

Назоратчилар 1980 йилда аниқ режалар, пухта тадбирлар асосида ишлашмоқда. Шу кунгача 15 марта маккажўхори ва чигит экишнинг бориши, минерал ўғитлар қандай сақланаётгани текширилди. Назоратчилар камчиликларни очиб ташладилар. Масалан, минерал ўғит сақланадиган хўжаликдаги марказий омбор ремонти, ўғитларнинг сақланиш ҳолати талаблар даражасида эмас. Баъзи тракторлар сифатсиз ремонт қилинган. Ҳисобчилар меҳнат ҳақи ёзилган табелларни ўз вақтида топширмайдилар, шунингдек, одамларнинг ишга чиққан-чиқмаганлиги қайд қилинмаган. Бундай камчиликларга йўл қўйган ўртоқлар жазоланди.

Назоратчиларнинг муваффақияти уларнинг сафида ўз ишини пухта билган тажрибали мутахассисларнинг кўплигидадир. Агроном Исмат Асадов, бухгалтер Шарофиддин Қодиров, механизаторлар Қаршин Норқулов, Нарзулла Ҳайдаров, колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Жаббор Умаров сингари зийрак назоратчилар нигоҳидан энг кичик нуқсонлар ҳам четда қолмаяпти.

М. СИДДИҚОВ.

УЮШҚОҚЛИК РУҲИДА

Яккабоғ район газлаштириш идораси халқ контроли группасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Группа раиси Миравим Зулфиқоровнинг ҳисобот доклади тингланиб, муҳокама қилинди. Группа бюроси 15 назоратчини ўз атрофига бирлаштирган. Рейд ва текширишлар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакилларининг иштирокида ўтказилганлиги яхши самара берди. Аҳолини газ билан таъминлаш, хонадонларга газ плиталари ўрнатиш, айниқса қишлоқ меҳнаткашлари хонадонларини газлаштириш масалалари назоратчиларнинг доимо диққат-эътиборида бўлди. Ҳисобот даврида 18 марта рейд ва текширишлар ўтказилди.

Халқ контроли группаси қишлоқларни газлаштириш ишида жиддий нуқсонлар ҳам борлигини аниқлади. Ҳисобот даврида актив назоратчилар Бегим Эшонқулов, Зиёда Жўраева, Асадулла Тўраевлар томонидан ўтказилган текширишларда Будённий номли отчилик заводи, Калинин номли, «Шарқ Юлдузи» колхозларидаги айрим хонадонлар 2—3 ойлаб баллонли газ билан таъминланмаганлиги аниқланди. Идора ишчиларининг баъзилари газ баллонларини ортиқча баҳода сотишган. Масалан, шофер Гулмурод Юсупов Қарши шаҳридан газ баллонлари олиб келаётиб, йўлда 10—15 та газ баллонини ошириб сотган нархда пуллаган. Меҳнаткашлар ҳақига ҳиёнат қилган Б. Раҳматуллаев, А. Уроқов ва Г. Юсупов группа йиғилишида муҳокама қилиниб, қаттиқ оғоҳлантирилди.

Шунингдек, Яккабоғ район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати халқ контроли группасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам кўтарилди, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Группа раиси ўртоқ Б. Раҳматовнинг ҳисобот даврида комбинат назоратчилари олиб борган ишлар тўғрисидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Группаларнинг янги составлари сайланди.

Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Х. ҚУҚОНОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

Масъулиятсизлик оқибати

АМУДАРЁ

Назоратчилар «Ремстройбит»нинг Амударё район участкаси фаолиятини текшириб, ана шундай хулоса чиқаришди. Участкада бинокорлик материалларини талон-торож қилиш, хўжасизлик кучайиб кетган. Материалларга жавобгар шахсларнинг тўрт нафарига тегишли омборлар ва объектлар текширилганида 1910 сўм 55 тийинлик камомад чиқди. Саъдулла Йўлдошев 2366 дона ўтга чидамли ғишт, 5269 килограмм оҳак, 6796 дона оддий ғишт каби жами 271 сўм 12 тийинлик материални сув қилиб юборибди. Мастер Қадам Сапарбоев бу борада ҳамкасбига устозлик қилиб, 876 сўм 32 тийин, омбор мудири Юсуф Ҳайитбоев 478 сўм 50 тийин, цех мудири Собир Иброҳимов 144 сўм 34 тийинлик материални гумдон қилишибди.

Кўп вақт бу олғирларнинг мушугини ҳеч ким пишт демаган. Улар ҳужжатларда планларни ошиғи билан бажараётган бўлишса-да, хом ашё ва материалларни четга сотиш, лойиҳа ва смета ҳужжатларида кўзда тутилган ишларни тўла адо этмасликка одатланишган. Участкада узоқ вақт ревизия ўтказилмаган. Бошлиқлар молия қонун-қоидаларини бемалол бузиб, ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб юраверишган.

Участка бошлиғи қўл остидагиларнинг номаъқулчиликларига панжа орасидан қараган. Уларни тартибга чақирмоқчи бўлганида ўзининг оёғи қалтираган. Сабаби, К. Йўлдошев бузуқлиги учун узоқ вақт қантариб қўйилган «Нисса» микроавтобусига 318 сўмлик 1,6 тонна А-93 маркали бензин ишлатилди, деган акт тузиб, бу ёнилғини енг ичида пуллаган.

Район халқ контроли комитети раҳбар, деган номга доғ туширган, хўжасизликка йўл очган Қорақалпоғистон АССР «Ремстройбит» бошқармаси Амударё район участкасининг бошлиғи К. Йўлдошевга хайфсан эълон қилиб, унинг бир ойлик маошини давлат ҳисобига ўтказишга, мастер К. Сапарбоевни ишдан бўшатишга, қолган мастерларнинг ишини коллектив ўртасида муҳокама этишга қарор қилди.

Антиқа „мусобақа“

ҚЎНҒИРОТ

Райондаги айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ўтган йили кўз кўриб, қулоқ эшитмаган антиқа «мусобақа» ташкил этишди. Унинг шарти бундай: агар кимки вагонларни вақтида бўшатмай, уларга юк ортиш ва туширишни учун белгиланган муддатларни барбод этиш, бир сўз билан айтганда, темирйўлчиларнинг темирдек асабларига тега олишда рекорд кўрсаткичга эришса, ўша ташкилот биринчи ўринни олиб, давлатга жарақ-жарақ жарима тўлайди.

— Бундай «дилхушлик» кўпчиликка, айниқса пахта тозалаш, асфальт-бетон заводлари, дон маҳсулотлари қабул қилиш пункти, «Средазтрансгаз» трестининг ишчилар таъминоти бўлими, 260-қурилиш-монтаж поезди раҳбарларига сариёғдек ёқди. Улар «ўйинда ғолиб чиқиш» учун вагонларни фақат кундуз кунлари, ўшанда ҳам қўл учида бўшатадиган, механизация воситаларини қантариб қўядиган қилиқ чиқаришди. Мабодо вагон жума куни иш тугашига яқин келса, юкчилар сменадан сўнг жон қойитиб ишламайди-да, бемалол душанбагача вагонлар бўшатилмай туравераді.

Натижа кутилганидан ҳам «зиёда» бўлди. Мусобақа қизиғандан қизиб, фақат 1979 йил ва шу йилнинг икки ойидагина 3585 та вагон ўз вақтида бўшатилмай, жами 39 минг 488 соат ушлаб қолинди. Райондаги корхона ва ташкилотлар эса 101 минг 968 сўм жарима тўлашди. Мусобақада «имтиёзли» ўринларни вагонларни 2823 соат «асир» қилиб турган 260-қурилиш-монтаж поезди (бошлиғи Пудовников), «Средазтрансгаз»нинг ишчилар таъминоти бўлими (бошлиғи Басиев), асфальт-бетон заводи (директори Пирниёзов) бўлишиб олишди.

Яқинда Қўнғирот район халқ контроли комитети «ғолиблар»ни—дон маҳсулотлари пункти бошлиғи Тангиберганов ва бош инженери Кулекеевни давлатга 1959 сўм жарима тўлашгани билан «табриклади»: уларга «фахрий ёрлиқ» ўрнига хайфсан берилиб, бир ойлик маошларини давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Капитал қурилиш—диққат марказида

ҲОВЛИ ТЎЙИ НЕГА КЕЧИКТИРИЛДИ?

Шундай кишилар ҳам борки, улар планнинг бажарилишига нимадир халал берадиган бўлса, турли-туман ўйинлар кўрсатишади, қўл остидагиларни ҳар кўйларга солишади. Гоҳ кўз бойлоқчи, гоҳ гипнозчи бўлиб кетишади. Шундай пайтларда уларга дуч келиб қолсангиз, кўзингизга бақрайиб қараб туриб, мана бу нарса оқ деб қора нарсани кўрсатишади. Хоразмда ана шундай икки карра-иккидан беш ҳосил қилоладиган, тепадан боши билан ташласангиз, оёғи билан ерга тушадиганлар ҳам учраб турар экан.

Уй тўйига нима етсин. Ахир колхозингда данғилламa, ҳамма қўлайликлари муҳайё этилган уй қурилар экану, севинмай бўладими? Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхозда ҳар бирн тўрт хонали иккита турар жой қурилишини эпнитиб, кўпчилик уй тезроқ битсайди, ажаб эмас, янги йилни янги уйларда кутиб олсак, деб ҳаёл суришди. 21-қурилиш трестига карашли 3-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Ҳайитов эса эрта-ю кеч қандай бўлмасин йил охригача бино фойдаланишга топширилди деган актни қўлга киритишни ўйларди. Аттанг, объектда йил бошида бир маромда ишлашмаган экан. Объект вақтида материаллар билан таъминланмаганн, қурувчилар енг шимариб ишламаганн сабабли бино битмай қолди.

Шундай бўлса-да, ўртоқ Ҳайитов тушкунликка тушмади. Шундай катта колоннага раҳбар бўла туриб, иззат битта уйни қабул комиссиясига эшлаб топшира олмаса? У шундай деб кўнглини тинчитмоқчи бўлардию, аммо бино ташқи томонининг суваламаганн, томи ёпилмаганн, поли тўшалмаганн, дераза ромларига ойна солинмаганн, ҳатто хоналар бўялмаганн кўз олдига келиб, яланғоч одамни кўргандай уялиб кетарди. Аммо, таиларан йўлидан қайтмади.

Халқ депутатлари Хонқа район Совети ижроия комитети ўтган йилнинг 27 декабрида биноні давлат қабул комиссияси қабул қилиб олгани ҳақида 478-буйруқ чиқарди. Актда архитектура ва қурилиш ишлари назорати, ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимлари, буюртмачи — совхозлар қурилиш бирлашган дирекцияси вакилининг имзоси йўқ эди. Энг муҳими, колонна раҳбарлари бино планда белгиланган вақтда фойдаланишга топширилди, деган қоғозга эга бўлди. Объектдаги «арзимас майда-чуйда» чала ишлар навбати билан, қўл текканда бажаралаверади, деб ўзларига тасалли беришди.

Ал-Хоразмий номли совхоздаги мактабнинг қўшимча биносини ҳам шу колонна қуришга киришган эди. Бу бино ҳам белгиланган муддатда битмади. Турар жой биноси қурилишида тўпланган «тажриба» бу объектни қабул комиссиясига топширишда ҳам такрорланди. Янги йил кириб келишига атиги уч кун қолганида район Совети ижроия комитети бино қабул қилинганн ҳақида қарор чиқарди. Бинонинг ташқи ободонлаштириш, пардоз ишларига кўл урилмаганн, хоналар суваламаганн учун жиҳозлар ўрнатилмаганн эди. Давлат қабул комиссиясининг актида буюртмачи — район халқ маорифи бўлимининг мудири, район архитектори, совхозлар қурилиши бирлашган дирекцияси вакилининг на имзоси, на муҳри бор эди.

Район қурувчилари бу «муваффақият»лардан эсанкираштанн йўқ. Колонна бошлиғи янги йилни қарзсиз кутиб олайлик, яхшиси ҳар бири уч хонали иккита турар жойни ҳам бир йўла топшириб қутулайлик, деган фикрга келди. Район Совети ижроия комитетидаги бу ишга мутасадди ўртоқлар ҳам бир зум бош қашиб туришди-да, колонна бошлиғининг гапини икки қилишни ўзларига эп кўришмади. Янги йил қадаҳлари жаранглашнга атиги икки кун қолганида бу уй ҳам тантаналн равишда давлат қабул комиссиясининг актисиз фойдаланишга топширилди. Қурувчилар учун энг муҳими 1979 йилги қарзлардан фориғ бўлиб, янги йилни планларни ошириб бажариб кутиб олиш эди.

Халқ назоратчилари 12 мартда кўчма механизациялашган колоннанинг ўтган йилги фаолиятини текшириб кўришганида учала объектда ҳам ҳануз қурилиш ишлари давом этарди.

Кўплар эшитмаган, билмаган бундай «тажриба»ни Гурлан, Қўшкўпир районларида ҳам қўллашяпти.

Урганч шаҳри уйсозлари ҳам биноларни кўзбойлоқчилик усули билан фойдаланишга топшириш бўйича анча «малака» оширишган. Уларнинг бу борадаги ишларидан айримларини келтирмоқчимиз. Шаҳарда 96 оилага мўлжалланган уй (бош пудратчиси «Хорезмсовхозводстрой»), ҳар бири беш хонали якки оилага мўлжалланган уй, совхозлар қурилиши бирлашган дирекциясининг ётоқхонаси, 280 ўринли болалар боғчаси, учинчи микрорайонда 12 та ишчи ўрнига эга бўлган магазин сингари объектлар ҳам 1979 йили янги йил арафасида фойдаланишга топширилган бўлса-да, бу объектларда март ойида ҳам бинокорлик ишлари тугалланмаган эди.

Хоразм область колхозлар қурилиши трести раҳбарлари планни бажариб, мўмайгина мукофот олиш, мақтовларга кўмилиш учун етти ухлаб тушга кирмаган нарсаларни ҳам ўйлаб топишибди. Трест ўтган йилнинг тўртинчи кварталида олтита битмаган объектни фойдаланишга топширди. Ҳозир ҳам бу биноларда қурилиш ишлари бажариляпти. Бундан ташқари 1977—1978 йилларда қурилиб аллақачон ишга туширилган саккизта молхона, иккита минерал ўғитлар омбори, иккита товуқхона, иккита мактаб, тўққизта болалар боғчаси биноларини ҳам 1979 йилда фойдаланишга топширдик, деб рапорт беришибди.

Хоразм областидаги айрим бинокорлик ташкилотларида ишнинг сифатига ҳам эътибор берилмаяпти. Урганчдаги уйсозлик комбинати ишлаб чиқараётган темирбетон маҳсулотларининг сифати айниқса дилни хира қилади. Хом ашё ва материаллар сифатсиз бўлса, турар жойлар, маданий-маиший объектларнинг кўриниши, пишиқ-пухталиги ҳам талабга жавоб бермайди. Ўтган йили Урганч шаҳрида қурилиб битказилган объектлар ичида 280 ўринли болалар боғчаси энг сифатсиз иншоот ҳисобланади.

Баъзи қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари планни барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарганликларини кўрсатувчи ҳужжатларни пеш қилиб, кўкрак керишсада, халқ назоратчилари уларнинг ишидаги доғларни зийраклик билан кўриб, фош этишди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИНТИЗОМГА ЭЪТИБОР

Хўжалигимиз ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Бунга колхоз халқ контроли группасининг бригадамиздаги пости назоратчилари ҳам катта ҳисса қўшишди. Улар пахта етиштириш билан боғлиқ ҳар бир ишнинг суръат ва сифати устидан қаттиқ назорат олиб бордилар, баъзи камчиликларни ўз вақтида аниқладилар. Аниқланган нуқсонларни бартараф қилишда назоратчиларнинг ўзлари фаол қатнашишди.

Бу йил ҳам баҳор келиб, дала ишлари бошлангач, халқ назоратчилари сув йўлларини равонлаштириш, маҳаллий ўғит ҳозирлаш каби ишларни диққат билан кузатиб боришди. Колхозчи ёки трактор-чи оз бўлсада камчиликка йўл қўйса, сифатга путур етказса, дарҳол уларни огоҳлантиришди. Сифатни унутганлар, прогулчилар бригада советида муҳокама этилиб, тегишли чоралар кўриляпти.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарорида ҳар бир ишнинг муваффақияти даставвал меҳнат интизомига риоя қилишга боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилди. Бригадамизга уюшган назоратчилар коллектив ўртасида ана шу қарор асосида интизомни янада мустаҳкамлаш ва шу орқали иш унумини оширишга эришиш учун курашишяпти. Бунда Эргаш Раҳмонов, Олимжон Шокиров, Исмонжон Ҳошимов каби назоратчилар кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда.

Қ. ОХУНОВ,
Тошлоқ район «Оқ олтин» колхози бригада халқ контроли постининг бошлиғи.

И З З А

Бухоролик пойафзалчилар ўтган йилги иш якунларини муҳокама қилишмоқчи эди. Шу пайт телефон жиринглаб, фабрика директори Н. Ҳусайновни шаҳар халқ контроли комитетига чақириб қолишди.

Бухоро пойафзал фабрикаси директори Н. Ҳусайновнинг кўз олдидан корхонадаги аҳвол пайдар-пай ўта бошлади: бичувчилар, қолипловчилар орқа-олдига қарамай шошапиша ишлашяпти, кимдир бемалол ишга кеч қолиб келяпти, техника назорати бўлими ходимлари эса ёғзи қийшайган, таг чарми яхши елимланмаган, брак оёқ кийимларига «Бричнчи сорт» деб тамга босишяпти.

Директорнинг кўз олдига ўтган йили ишлаб чиқаришга оид бўлмаган барча харажатлар учун 28 минг сўм жарима тўлашгани келди. Афсус бу йилги ишлар ҳам ўтган йилгидан яхши эмас.

Р. ҲАКИМОВ.

— Чўкиб кетмасам ўргайдн...

РАССОМ ХАНДАСИ

КИЧКИНТОЙЛАР НОЛИШЯПТИ

Муборак район халқ контроли комитети мактабгача болалар муассасаларининг ишини текширди. «Колобок», «Кичкинтой», «Ромашка» каби болалар боғчаларида таомлар сифатсиз тайёрланаётганн, уларнинг хилма-хил бўлишига эътибор берилмаётганн аниқланди.

Боғча ходимларининг кўпчилигн санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишмайди, махсус иш кийимларида юришмайди. Райондагн болалар боғчаларида медицина хизматн ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Ш. ҲИДОЯТОВ,
Қашқадарё областн.

— Оч қолдим деб келма, мана булардан тўйиб-тўйиб ёб ол!

И С Р О Ф Г А Р Ч И Л И К

Янгийўл районидаги айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда табиий газ, нефть маҳсулотлари, электр энергиясидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Ленин номли колхозда фақат январь ойида 179 минг кубометр табиий газ, бройлер парранда фабрикасида 17 тонна нефть маҳсулотлари, 50 минг кубометр табиий газ, Усмон Юсупов номли аграрсаноат бирлашмасида 30 минг кубометр табиий газ ортиқча сарфланган.

Район халқ контроли комитети ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйган ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига нисбатан тегишли чора кўрди.

М. МУРОДОВ,
Тошкент областн.

— Иштаҳангизга барака, Лампавой!

5 миллион 850 минг тонна пахта учун

ЮКСАК МАРРА ДАЪВАТИ

Ялпи пахтани 7 минг тонна кўпайтириб, умумий миқдорини 75 минг тоннага етказамиз, ҳосилдорликни 40 центнерга кўтарамиз, ёки ўтган йилдагига нисбатан 4,2 центнер оширамиз. 80 процент ҳосилни машиналарда териб оламиз. Районимиз механткашларининг 1980 йил учун пахтачилик бўйича белгилаган марралари ана шулардан иборат.

Чорвачилик бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳам ҳар йилгидан юксак. Чорвадорларимиз 1500 тонна гўшт, 7100 тонна сут, 1 миллион 600 минг дона тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашга сўз бердилар. Бунга эришмоқ учун сигирлар парваришини яхшилаш йўли билан маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 410 килограммга етказиб гўштга топшириш, товуқларни кўпайтириш режаларини аниқ белгилаб олдилар.

Районимиз экономикасида ана шу икки тармоқ ҳал қилувчи роль ўйнайди. Район партия комитети коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини пахтачилик билан чорвачиликни шаҳдам тараққий эттиришга қаратиш билан бир қаторда ғаллачилик, пиллачилик, полизчилик ва бошқа тармоқларни ҳам жадал ривожлантиришга йўналтирмоқда. Бу бежиз эмас. Районимиз бўйича якунловчи йилдагина 19 минг тонна дон, шу жумладан 15 минг тонна маккажўхори дони тайёрланади. Шундай қилиб, барча тармоқлар рентабелли соҳага айлантирилади.

Қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш борасида нималар қилиняпти? Пахтачилигимиз тарихида биринчи марта 8541 гектар майдонга кенг қаторлаб чигит экилди. Бегона ўтларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида 17.600 гектар майдонга гербицидлар сепилди. Барака уруғи қадаш қисқа муддатларда сифатли тугаллади, гектарларнинг тўла бўлиши таъминланди.

Карл Маркс номли колхоз гектаридан муттасил 44—45 центнердан пахта ҳосили олянти. «Партия XXII съезди», Калинин номли, Чкалов номли, Киров номли, Куйбишев номли колхозларда ҳам ҳосилдорлик юқори бўляпти. Бултур 8 пахтачилик бригадаси гектаридан 50—56 центнердан, 17 бригада 50 центнерга етказиб хирмон кўтарди. Район партия ташкилотлари ана шу машъалларнинг иш тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш, шу йўл билан ялпи юксалишни таъминлаш чораларини кўряпти.

Мисол учун «Партия XXII съезди» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фармон Болтаев, Калинин номли колхознинг Муртазо Қодиров бошлиқ бригадаларини олайлик. Бу бригадаларда чигит экишдан кейин ер майдони ўлчаб чиқилади, кемтикнинг ўрни тўлдирилади, бирор қарич ер бекор қолдирилмайди. Ниҳоллар узоғи билан бир ҳафтада текис ундириб олинади, чигит дастлаб униб чиққан майдонларда ғўзани парвариш қилишга киришилади. Биринчи культивация пайтида ҳар гектар ер ҳисобига 10—15 тонна чиритилган гўнг минерал ўғитларга аралаштирилиб қоришма ҳолида солинади.

Биз махсус сифат комиссиялари туздик, улар карталар, қаторларни бирма-бир кўздан кечиряпти, қайси картага ўғитларнинг қандай турини, қанча нормада солишни белгилаб берянти. Чигитни ҳамма майдонларда тупроқнинг табиий намига ундириб олиш чоралари кўрилаётир. Бироқ шағал тупроқли, адир ерларда зарур топилган кезда чигит суви беришга ҳам тараддуд кўрилмоқда.

Бугунги куннинг бош вазифаси яхши ният билан ерга қадалган барака уруғини тўла кўкартириб олиш, ҳар гектар ерда тупроқ тузилишига қараб камида 125—130 минг туп ниҳол бўлишини таъминлаш, тез кузларда яганани бошлаш, комплекс ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтиришдан иборат.

Узоқ йиллар давомида пахтачилик соҳасида оқсаб келган «Зарафшон» совхози ўтган йили гектаридан 32 центнердан ҳосил олиб яхши натижага эришди. Бунинг сабаби шуки, пахтакорлар фурсатни ғанимат билиб, агротехника қоидаларини изчиллик билан амалга оширдилар. Ниҳоллар кўзга ташланиши билан сифатли культивация ўтказилди, ғўзалар барвақт озиқлантирилади, бегона ўтлар бутунлай йўқотилади, айни кезда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши таъсирчан профилактик чоралар қўлланилади. Бу йил ҳам шундай қилинянти. Механизаторлар кунига 7-8 гектар майдонда культивация ўтказянти. Илгор бригадаларда биринчи комплекс ғўза парвариши тугалланди. Совхоз коллективи 40 центнерлик ҳосил маррасини кўзлаб иш тутянти.

Пахтачиликка эътиборни сира сусайтирмаган ҳолда бошқа тармоқларга эътиборни кучайтиряпмиз. Беда, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар экиш топшириқлари бажарилди. Ҳамма майдонларга навли, серҳосил, районлаштирилган уруғлар экилди. Маккажўхорикорларимиз гектаридан 100 центнердан «аҳрабо дон» етиштиришга сўз бердилар. Беда, маккажўхори парваришни оммавий равишда бошлаб юборилди.

Пахтачиликда ҳам, ем-хашак экинлари парваришида ҳам механизаторларимиз ғайрат кўрсатиб ишлаяптилар. Улар кунлик, беш кунлик, ўн кунлик графикка эга. Ишда сифатга алоҳида эътибор берянти. Умуман якунловчи йилда районимиз бўйича 60 минг тонна дағал хашак, 35 минг тонна сенаж, 35 минг тонна силос, 2 минг тонна витаминли ун ва бошқа озуқалар тайёрлаш, шу асосда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш планлаштирилган.

Районимизда чорвачилик ривожлантирилиб, маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилянти, давлат планлари муваффақиятли бажарилянти. Кейинги йилларда ҳар бош қорамолнинг семириши 80—100 килограммга кўпайтирилди. Бироқ сигирлардан согиб олинаётган сутдан кўнглимиз тўлмаянти, товуқларнинг маҳсулдорлиги ҳам паст. Чорвачиликни ривожлантириш масаласи район партия комитетининг бюро мажлислари, пленумларида мунтазам муҳокама қилинянти, зарур тадбирлар белгиланянти. Якунловчи йил охирига бориб қорамоллар сонини 14 минг бошга, шу жумладан сигирлар сонини 3700 бошга етказиш бош вазифамиздир.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам кенг ривожлантириляпти. Районда учта янги узумчилик совхози ташкил қилинди. Бу хўжаликлар машҳур учқора узумлари ва майизлари етиштиради. «Учқора» совхози ҳозирдаёқ 500 гектар майдондан ҳосил йиғиб-териб олянти. Акмал Икромов номли, Пўлкан шоир номли совхозларда катта ишлар олиб борилмоқда. Яқин фурсатда мамлакатимизнинг марказий районлари, БАМ қурувчиларига сершира узум ва майизлар жўнатилади.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, районимиз меҳнаткашлари олдида ғоят улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун партия ташкилотларининг жанговарлик, сафарбарлик қобилиятини янада оширмоғимиз керак. Якунловчи йилнинг юки оғирлиги ҳаммага маълум. Лекин астойдил меҳнат қилинса юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш мумкин.

Районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллики катта меҳнат муваффақиятлари йилига айлантириш учун ҳамма ишларни қилишга қодир эканликларини хўжалик йилининг қувончли якунлари билан яна бир карра исботлайдилар.

Р. МАХМАНОВ,
Хатирчи район партия комитетининг биринчи секретари.

ИПАК ҚУРТИ БОҚИЛМОҚДА

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 1200 тонна «кумуш тола» етиштириш мажбуриятини олган Сурхондарё области пиллачилари мавсумий пахта ҳозирлиқ билан кутиб олдилар. Ҳозирги кунда пиллачилик билан шуғулланувчи хўжаликлардаги 289 та инкубаторийда 19 минг кути ипак қурти уруғи жонлантирилиб, пиллачиларга тарқатилди.

Юзлаб пиллачилик бригадалари ва звенолари аъзолари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, ипак қуртларини жадал усулда боқишни кенг жорий этмоқдалар. 100 килограммчилик ҳаракатининг ташаббускори ва карвонбошиси бўлган Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг мохир пиллачиси Раҳим Аблиев ўз томорқасидаги минг туп тут билан 10 қути қурт уруғини боқиш ва ҳар бир қутидан камида 100 килограммдан, давлатга жами 1000 килограмм аъло сифатли пилла сотиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Қуртларни марказлаштирилган усулда боқиш методига кўчган бу доигдор пиллакор оиласи сўнгги уч йил давомида давлатга ҳар йили 500 — 800 килограммдан «кумуш тола» етказиб бермоқда.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ ЕТМИШ ЙИЛЛИГИГА

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Ҳамид Олимжон ўтмиш классик адабиётимизни пухта биларди ва совет адабиётимиз тараққиётнинг яхши билимдони ва актив ташкилотчиларидан эди. У ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарлари улуғ рус тилига таржима этилиб, Бутуниттифоқ китобхонларига манзур бўлишини жуда истарди. Бунинг учун Иттифоқ миқёсида аҳамиятга молик, гоявий-бадиий баркамол асарлар яратиш кераклигини қаламкашларига уқтирар эди. Бу масалада ўзи ўрнак кўрсатган. Унинг «Ўзбекистон», «Россия», «Ўрик гуллаганда» ва шу каби шеърлари, «Зайнаб ва Омон» достони рус тилига ва бошқа қардош халқлар тилига таржима этилиб, севилиб ўқилгани ва қайта-қайта нашр этилганини кўриб турибмиз. Ўзига ниҳоятда талабчан бўлган Ҳамид Олимжон қаламкашлар олдига юксак талаб қўйиб, бунда ўзи намуна бўлиши учун ғайратини оширар эди.

Ҳамид Олимжон илмий тадқиқот иши, бадиий ижод билан бирга, жамоат ишларида, жумладан, комсомол ташкилоти ишларида фаол қатнашарди. Эсимда бор, 1936 йили комсомоллар ўртасида жамоат топшириқларни тақсимланганда комсомол аъзоси Ҳамид ака сўзга чиқиб, комсомол илмий ходим муҳим тарбиявий аҳамиятга эга вазифа олиб, ўзининг бутун куч-қобилиятини ишга солсин, деган мазмунда гапирдилар. Ўзлари эса, мен Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романини ўзбек тилига таржима этишни комсомол топшириғи сифатида оламан. Бу асар.... ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир, дедилар.

«Ёш ленинчи» газетаси редакцияси роман таржимасини пешма-пеш чиқариб борди. Ҳамид ака таржима учун ҳақ олмади. Роман тамом таржима этилиб, алоҳида китоб бўлиб чиққанда ҳам ҳақ олмаган. Ҳамид Олимжоннинг бундай ташаббуси бизларга ўрнак бўлди.

Фольклоршунос Ҳоди Зарифни ишга солиб ва ўзи бош бўлиб «Ўзбек фольклори» қўлланмаси яратишган. Иззат Султони чақириб «Адабиёт назарияси» дарслигини ёздирган. Ўрта мактаб учун «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги авторларидан бири этиб, менга иш топширган. Қўлимдан келармикан, деб турганимда далда берган, сўнг кўп қимматли маслаҳатлар бериб, ёрдамини аймади. Илм соҳасида, дарслик яратиш соҳасида нимаики муваффақиятга эришган бўлсам, унда Ҳамид Олимжоннинг хиссаси бор, деб биламан. Бунинг учун умрбод миннатдорман.

Юсуф СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

БИРИНЧИ ИШЛОВ ТУГАЛЛАНДИ

Жиззах даштида биринчи йили деҳқончилик қилаётган «Ленин йўли» совхози заршунослари ғўзаларни биринчи культивациядан чиқардилар. Улар беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш шиорини ўртага ташладилар. Коммунист У. Аҳмедов, Ленин ордени К. Соипов, А. Едгоров, У. Бердибеков ўртоқлар бошлиқ бригадалар азаматлари биринчи йилнёқ ҳар гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» етиштиришни мўлжалламоқдалар.

Чўлқуварлар суғориш тараддудини кўришмоқда. Бунинг учун 8та насос ёрдамида Сирдарё суви 12 метр баландликка кўтариб берилади.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ:

Гражданин А. Етмишев шикоятида баён этилган фактлар текшириб чиқилди. Текширишда Зомин район матлубот жамиятига қарашли 57-магазин мудири Ж. Қодирова харидор ҳақидан 2 сўм 95 тийин уриб қолганлиги аниқланди. Бундан ташқари, магазиндаги аксарият молларга баҳо қўйилмаган.

Ульянов ОРСига қарашли 1-магазин бўлим мудири А. Галимбовская ҳам харидорни 12 тийинга алдаган.

Мазкур савдо ходимлари устидан тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун Зомин район ички ишлар бўлимига топширилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:

Газетхон А. Нурматовнинг хати юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз: область соғлиқни сақлаш бўлимининг етакчи мутахассислари томонидан Олтинкўл районидаги даволаш-профилактика муассасалари ишлари текширилди.

Текшириш натижалари марказий касалхона ходимларининг йиғилишида муҳокама қилинди. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига мувофиқ, туғруқхона бўлими мудири О. Болтабоевага, педиатр Г. Юсуповага, район СЭСи бош врачи А. Тошматовга виговор берилди, «Тез ёрдам» мудири Н. Умаров огоҳлантирилди, район марказий касалхонаси бош врачи Исмоиловага мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

«ЙУҚОЛГАН ОБРЎ»

Газетанинг шу йил 2 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали фельетонда «Узбекрибвод» бошқармаси бошлиғи Д. Каиповнинг ўзига бино қўйиб, маманскраб кетгани, коллективнинг фикри ва маслаҳати билан ҳисоблашмай, ўзбилармонлик ва буйруқбозликка зўр бераётгани каби фактлар очиб ташланган эди.

Ушбу фельетон юзасидан **ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**дан шундай маз-мунда жавоб олинди:

— Газетада босилган «Йўқолган обрў» сарлавҳали танқидий мақола «Узбекрибвод» бошқармаси бошлиғиг партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди.

Партия йиғилиши мазкур мақолада келтирилган фактларни тўғри деб топди.

«Узбекрибвод» бошқармаси бошлиғи Д. З. Каипова эгаллаб турган лавозимидан олиб ташланди ҳамда партия йўли билан унинг ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

ЯГАНА БОШЛАНДИ

Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» колхози механизаторлари мавжуд 900 гектар майдонга олти иш кунида чигит экиб бўлишган эди. Бу ерда қийғос уриб чиққан ниҳолларни парваришлашга қўйилган ишлари бошлаб юборилди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан бир қаторда ғўзани ягана қилиш ҳам намунали олиб борилмоқда.

Хўжаликнинг Роҳат Сандова, Ғулом Оқмирзаев, Авлоқул Рўзиев, Шоймардон Бобомуродов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларида ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш ва яганалаш юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилаётир.

Ш. МАҲМУДОВ.
Қашқадарё области.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ғўза ниҳолларига дастлабки ишлов беришни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Механизаторлар ҳар бир туп ниҳолни кўз қорачиғидай ардоқлашаётир. Ғўза парваришни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сафар Эргашев бригадасида ҳам яхши олиб бориляпти. Бригада азаматлари бу йил ҳосилдорликни гектар ҳисобига 60 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Суратда: бригада бошлиғи С. Эргашев (ўнгда) илғор механизатор М. Облокулов билан ғўза ривожини кўздан кечираётир.

И. Ҳасанов фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Кобулда 26 апрель куни афғон революциясининг икки йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, АХДП Марказий Комитетининг, Революцион кенгашининг, ҳукуматнинг аъзолари, жамоатчилик вакиллари, дипломатик корпус аъзолари ҳозир бўлдилар. Тантанали мажлисда дўст мамлакатларнинг, шу жумладан, КПСС Марказий Комитети секретари М. В. Зимянин бошчилигидаги совет партия- ҳукумат делегацияси ҳам иштирок этди.

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Баброк Кармал катта нутқ сўзлади.

Роппа-роса икки йил илгари, деди у, Афғонистоннинг эрксевар ва олижаноб халқи ўз тарихининг янги саҳифасини очди. Ватанимизнинг илғор, революцион кучлари ўзининг сиёсий авангарди — Афғонистон Халқ Демократик партияси раҳбарлигида эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб, Афғонистон учун қолоқликдан тараққиёт сари, кўҳна дунёримизда янги, адолатли жамият барпо этиш сари ривожланиш йўлини очдилар.

Биз шу вазифани ҳал этишда улуғ қўшнимиз ва оғамиз — Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг, барча революцион партиялар, ҳаракатлар ва кучларнинг интернационал ёрдамини миннатдорчилик билан қабул қиламиз ҳамда барча эрксевар халқларнинг муштарак ишига ўз ҳиссамизни қўшмоқ учун Апрель революциясининг ғалабаларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва қўриқлашни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

Бабрак Кармал мамлакатнинг ташқи сиёсати тўғрисида гапириб, тинч-тотув яшаш, блокларга қўшилмаслик ва интернационал бирдамлик принциплари шу сиёсатнинг асоси эканлигини таъкидлади. АХДП ва АДР ҳукумати ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида улуғ Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлик ва самарали ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб ривожлантирилган тақдирдагина афғон халқининг бахт-саодати ва равнақи таъминланиши мумкинлигига амал қилади. Ана шу дўстлик ва ҳамкорлик янги Афғонистон бутун сиёсатининг таг-заминли асоси бўлиб, Ватанимизни ҳимоя қилишнинг ва Апрель революцияси амалга ошираётган ислоҳотларнинг ҳаётий муҳим омилидир.

Тантанали мажлисда совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи М. В. Зимянин нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан М. В. Зимянин шонли Апрель революциясининг икки йиллиги муносабати билан тантанали мажлис қатнашчиларига ва улар орқали Афғонистон Халқ Демократик партиясининг барча аъзолари ҳамда активларига, АДР меҳнаткашларига, бутун афғон халқига совет коммунистларининг, бутун совет халқининг қизғин қутловларини, тинчлик ҳамда янги ҳаёт қурилишида муваффақиятлар тилаб билдирган истакларини топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсий топшириғини алоҳида қувонч билан бажарамиз — унинг самимий саломини, Афғонистон халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларини топширамиз, деди у.

Бутун прогрессив инсоният каби совет кишилари ҳам, деб давом қилди М. В. Зимянин, афғон халқининг ўзмиллий мустақиллиги учун, ижтимоий адолат принципларига асосланган янги жамият қуриш учун олиб бораётган курашини астойдил ҳурмат ва хайрихоҳлик туйғулари билан кузатиб турибдилар.

АҚШнинг империалистик доиралари ўз гумашталари билан бирга афғон халқига қарши агрессия бошлаганларида ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ташқи агрессияни даф этишда ёрдам бериш мақсадида БМТ Уставига ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшнилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага тўла мувофиқ равишда АДР ҳукуматининг илтимосига биноан Афғонистонга чекланган миқдордаги ҳарбий қисмларни юборди. Бошқача йўл тутиш Афғонистонни тилка-пора қилиш учун империализм чангалига бериб қўйишни билдирган бўлур эди.

Империализм кучлари, уларнинг Пекиндаги ва бошқа баъзи бир жойлардаги гумаштолари Совет Иттифоқи билан Афғонистонга қарши тўхтовсиз бўҳтон ёғдирмоқдалар. Аммо биз империалистик реакциянинг маъкуллашига умид боғлаганимиз ҳам йўқ эди. Совет Иттифоқи ўзининг интернационал бурчини муносиб равишда адо этди ва бундан буён ҳам адо этаверади. Чекланган совет ҳарбий қисмларининг вазифалари АҚШ, Хитой ва Покистон йўллаб турган кучлар томонидан қилинадиган ташқи агрессиядан Афғонистоннинг территориал бутунлиги, мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш вазифасига амал қилган ҳолда томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланган. Бу қисмларни Афғонистондан олиб чиқиш шартларига келганда, бу шартлар ҳам яхши маълум. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, СССР ўз ҳарбий қисмларининг Афғонистонга киритилиши сабаблари бартараф этилиши ва Афғонистон ҳукумати бу қисмларнинг туришига ортиқ зарурат қолмади, деб ҳисоблаши биланоқ уларни Афғонистондан олиб чиқиб кетади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, деди нотиқ, тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу йил 31 март куни унга Ленин мукофотини топшириш чоғида сўзлаган нутқида бундай деди: «Орттирилган жами тажриба, мавжуд халқаро вазият, айниқса сўнгги даврдаги фактлар ҳаммамизнинг зиммамизга серган бўлиб турибдики, тинчлик ишини ҳимоя қилишда қатъиятли ва изчил бўлишни, Ватан ва бутун инсоният тақдири учун ўз тарихий масъулиятимизни унутмаслик мажбуриятини юклайди». Бу сўзларда бутун партиямизнинг, бутун совет халқининг яқдил иродаси изҳор этилган.

* * *

Афғон халқи Апрель революциясининг икки йиллигини тантана билан нишонлади. Кобулнинг ўн мингдаг аҳолиси пойтахт марказидаги Чаман-Ҳузури майдонига тўпландилар. Бу ерда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар вакилларининг байрам намойиши бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Ж. Картер Оқ уйда шошилинч кенгаш ўтказди. Шу кенгашда унинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский Эронга қарши жосуслиқда айбланиб, Теҳронда гаровга олинган америкаликларни озод этиш мақсадида қилинган қўпорувчилик ҳаракати барбод бўлганлигининг «тафсилоти» тўғрисида маълумот берди.

Бу ерда чиқадиган газеталар Вашингтоннинг Эрон даштларидаги барбод бўлган авантюра найрангларининг янги тафсилотларини баён қилмоқдалар. Газеталар бу ўринда гап АҚШ махфий агентлари ва Марказий разведка бошқармаси уюштирган «бешинчи колонна» кучларининг Эронда тўнтариш қилишга уринганлиги тўғрисида бораётганлигини энди рўй-рост ёзмоқдалар.

ТЕҲРОН. Эрон президенти А. Банисадр матбуот конференциясида сўзга чиқиб бундай деди: «Вашингтоннинг бу ҳаракатлари гаровга ушлаб турилганларни озод этишга интилишни эмас, балки бизнинг революциямизни йўқ қилиш истагини билдиради. Картер гаровга олинганлар тўғрисида сариқ чақалик ҳам ғамхўрлик қилаётгани йўқ. У халқаро кескинликни кучайтиришга жон-жаҳди билан уриниб, АҚШда вассасани кучайтирмоқда, қуролли интервенция ва агрессия учун баҳона изламоқда, жаҳонни ялпи ҳалокатга судрамоқда».

Теҳрон телевидениеси Америка қўпорувчи группаси қочиб кетган жойдан икки марта репортаж берди.

Хабарда ўқтириб ўтилишича, эронликларнинг қўлига тушган ҳаритага қараганда барбод бўлган ҳаракат иштирокчилари Уммон қўрфази районида Эрон чегарасидан ўтиб, дашти Қабир орқали Теҳронга келмоқчи бўлганлар.

(ТАСС).

ХИТОЙ: «ТЎРТ МОДЕРНИЗАЦИЯ» ЎРНИГА «ТАРТИБГА СОЛИШ»

Хитойшунос олимлардан В. И. Акимов билан В. И. Потаповнинг ана шу сарлавҳа остидаги мақоласи «Проблемы Дальнего Востока» журналининг 1980 йил 1-сонида босилиб чиқди. Мақолада Хитой экономикасининг 1979 йилдаги умумий обзори берилади.

Маълумки, дейилади мақолада, Хитойни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси 1978 йилда таърифлаб берилган эди. «Жаҳоннинг илғор даражасига яқинлашиш» вазифаси қўйилганди. Бошқача сўзлар билан айтганда, XX асрнинг охирига бориб ХХР дунёдаги илғор мамлакатлар қаторига киради, деб тахмин қилинган эди. Ана шу мақсадда «тўрт модернизация» деб аталмиш гап, яъни қишлоқ хўжалиги, саноат, армия, фан ва техникани янгилаш ғояси илгари сурилди. Бу программа биринчи навбатда мамлакатни милитарлаштиришни жадаллаштириш керак эди. Ташқи сиёсат соҳасида капиталистик мамлакатлар билан блок тузиш, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши кураш халқаро бирлашган фронтини кенгайтириш йўлига ўтиб олинди.

Бироқ, дейилади сўнгра мақолада, Хитой раҳбарлари ўзларининг дабдабали режаларига жиддий тузатишлар киритишга мажбур бўлдилар. «Тўрт модернизация» программасида белгиланган кўпгина иқтисодий кўрсаткичлар пасайтирилди, чунки улар мамлакатдаги ишларнинг реал аҳволини ҳисобга олмаган эдилар. 1976—1985 йилларга мўлжалланган ўн йиллик планда саноат билан қишлоқ хўжалиги ривожланиши ўртасидаги, истеъмол билан жамғарма ўртасидаги мавжуд тафовутларга эътибор берилмади. Мазкур планда, жумладан, гарчи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш учун на моддий, на социал шарт-шароитлар йўқлигига қарамай, уни ҳаддан ташқари юксак суръатлар билан механизациялаш кўзда тутилди.

Шу билан бирга 1979 йилда (бу йил «тартибга солиш» йили деб эълон қилинган эди) ҳарбий ҳаражатлар аввалгидек ғоят катта ҳажмда — 20,2 миллиард юань миқдорида планлаштирилди. Шуни қайд этиб ўтамизки, деб ёзишади мақола авторлари, Хитой ҳарбий ҳаражатларнинг мутлақ миқдорлари жиҳатидан дунёда олдинги ўринларнинг биринчи эгаллайди, ваҳолонки аҳоли жон бошига даромадлар жиҳатидан (йилига 152 Америка доллари) БМТга аъзо бўлган 150 давлат орасида 125-ўринда турибди.

«Жэньминь жибао» газетаси ҳатто пасайтирилган кўрсаткичлар 1979 йилда қандай бажарилаётганлигини таъриф лаб 24 ноябрда «тартибга солиш йўлини амалга оширишда силжишлар катта эмас» деб ёзди.

Ўтган йили экономикани ривожлантириш мураккаб шароитларда давом этди. Натижада саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари 1978 йилга нисбатан пасайиб кетди. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини айтарли даражада ошириб бўлмади. Энг катта проблема — ёқилғи-энергетика базасини ривожлантириш проблемаси ҳал этилмай қолди. Кўрилаётган чораларга қарамай, бу проблемани яқин келажакда сезиларли равишда ҳал этишнинг илоҳи бўлмайди, бу эса бутун экономикани ривожлантиришга тўсқинлик қилмасдан қолмайди.

Хитой саноати малакали инженер-техник кадрлар, ишчилар ва раҳбар кадрлар етишмаётганлиги сабабли тобора кўпроқ қийинчиликни бошидан кечирмоқда. Хитойнинг йирик корхоналарида меҳнат унумдорлиги ривожланган мамлакатлардагига қараганда беш баравар паст. Ўтган йилнинг 26 октябрида «Гуанминь жибао» газетаси шуни таъкидлаб ўтдики, «бир қанча вилоятлардаги саноат, транспорт, молия раҳбарларининг фақат 20 процента ўз ишини биладиг».

Қишлоқ хўжалигига келганда шуни айтиш керакки, кейинги 20 йил мобайнида бу тармоқ ниҳоятда суст ривожландики, унинг суръатлари аҳолининг ўсишидан орқада қолаверди. Масалан, хитойларнинг расмий баҳотларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг даражаси пастлиги сабабли деҳқонларнинг моддий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолмоқда, деб қайд этилган эди. Чунончи, 1977 йилда бир қишлоқ аҳолисининг даромади йилига ўрта ҳисобда атиги 60 юандан сал кўпроқни ташкил этди. Қишлоқларда озиқ-овқат паёғи етишмаётган юз миллиондан ортиқ киши бор.

Шунга қарамай, Хитой ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжларига яқин келажакда катта маблағлар ажратилмайди, деди. Эндиликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш тўғрисидаги масала ҳам бошқача қўйилмоқда. Илгари 1985 йилга бориб асосий қишлоқ хўжалик ишларининг 85 процента механизациялаштирилади, дейилар эди. 1979 йилда бундай вазифа энди ўртага қўйилмади ва бу ҳақда Хитой матбуоти сукут сақлади. Ҳозирги вақтда Хитойда ҳайдаладиган ерларнинг нари борса 25 процентига машиналарда ишлов берилмоқда.

Хусусий корхона эгалари фаолиятини рағбатлантириш — 1979 йилда Хитой иқтисодий аҳволининг янги хусусиятларидан бири бўлди. Иқтисодий ҳаётда Хитойнинг «собиқ» капиталистлари активлашдилар, уларга бир вақтлар мусодара қилинган банк маблағларини, шахсий уй-жой, мулкларини ва бошқа моддий маблағларини 1979 йилнинг бошида қайтариб беришди. Пекиндаги раҳбарлар чет эл капитали учун мамлакат эшикларини ланг очиб қўймоқдалар. Ишчи кучининг арзонлиги ва пекинлик ҳозирги раҳбарлар бераётган катта имтиёзлар аждаҳо корчалонларни Хитойга бошламоқда.

Мақоланинг пировардида буидай дейилади: «тартибга солиш» деб аталган ва Хитой раҳбарларининг мамлакатни янада милитарлаштиришдан иборат йўлини сақлаб қолишни кўзда тутаётган сиёсат «катта сакраш» ва «маданий революция»дан кейин мамлакатда вужудга келган ҳамма мураккаб иқтисодий ва социал проблемаларни белгиланган уч йиллик даврда ҳал этиш ва экономикадаги мавжуд номутаносибликни тугатиш имкониятини бермайди».

(ТАСС).

ЖАСОРАТ

XXXV ЙИЛ

«Нон юборишмаса ҳам майли, кўпроқ ўқ-дори юборишса бўлгани...».

(Взвод командири Ислом Усмоновнинг разведкачи Болта Худоёровга сўнгги топшириғи).

Дарёнинг баланд қирғоғида қомат кериб, олға талпинган жангчи ҳайкали пойида сочлари оқарган, давр синоатлари юзига тўр сола бошлаган бир киши турибди. Кўкрагида Қизил Байроқ, II даражали Улуғ Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари, медаллар... Кекса жангчи сукутга чўмган. Лекин сиртдан қарагандагина шундай. Аслида, унинг жангларда тобланган юраги жўш урмоқда, кўз ўнгидан мана шу тик қирғоқ учун, пастда осуда оқаётган Днепр учун бўлган жанг лавҳалари ўтмоқда. Ҳамкишлоғи, қуролдош дўсти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ислом Усмонов қабрини зиёрат қилгани келган бу кекса жангчи — собиқ разведкачи Болта Худоёров.

Улар бир мактабда ўқишди. Қишлоқнинг бир ёлғизоёқ йўлида тонг маҳали шудринг босиб, ўқишга қатнашди. Далалар яшнаган кезлари қишлоқ тароватидан бирга-бирга қувонишди. Болта Худоёров ҳозир ҳам шаҳар чеккасидаги ана шу дала-қирларни айланишни яхши кўради. Афсуски, энди унинг ёнида ҳамиша қувноқ ва жўшқин дўсти Ислом йўқ. Улар бирга ўқишган мактабнинг синфларидан бирида Ислом Усмонов номига ўрнатилган алоҳида парта турибди. Унда фақат аълочи ўқувчилар ўтиришади. Худоёров мактаб ёнидан ўтиб, дўсти номи билан аталган кўча бўйлаб қадам ташлайди. Кишилар олисдан унинг истиқболига шошилишади. Қўлларини кўксига қўйиб, ҳурматини баҳо келтиришади.

...Душман Волга бўйига чиқиб қолган оғир кунларда эндигина ўнинчи синфни тугатган дўстлар фронтга отланишди. Иккиси ҳам бирга қасамёд этиб, она-Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғини кўзга тўтиё қилишга ант ичишди. Сталинград мудофаси кунлари, Волга бўйидан душманни Днепргача қувиб борган кезлари Болта Худоёровнинг ёдида. Ўжангу жадалларни асло унутолмайди. Дўстлар полк разведкасида хизмат қилишди. Маълумки, разведкачилар душман билан изма-из, баъзида уларнинг ораларида боришарди. Душманнинг ўт очиш нуқталарини, янги қуролларини аниқлаб беришарди. «Тил» олиш зарурияти туғилган тақдирда полк командири Усмонов билан Худоёровни душманнинг орқа томонига юборарди.

Разведкачилар Днепр қирғоғига биринчи бўлиб чиқишган пайтда Ислом Усмонов взводга командир этиб тайинланди. Днепр сувидан ташналикни қондирган дўстлар Запорожьега штурм бошланиши олдидан ажралишди. Ислом Усмонов ЗЗЗ-Синельников ўқчи дивизияси батальонларидан бирида взводга командирлик қила бошлади. Взводда турли миллат йигитлари хизмат қиларди. Ана шу қизғин жанглар арафасида Усмонов ўз жангчиларини жиддий олишувларга пухта тайёрлади. Ўша кезлари уни ВКП(б) сафига қабул қилишди.

Разведкачи Болта Худоёров имкони топилди дегунча дўстини кўргани бориб турарди. Запорожьенинг жанубғида Днепрни кечиб ўтишга қизғин тайёргарлик кўраётган полк учун душманнинг хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиб туриш гоят зарур эди. Разведкачилар кеча-кундуз дарё қирғоғида қолиб кетишар, фашистларнинг ўч очиш нуқталарини аниқлашар, кечув учун қулай жой излашарди. Батальон командири Тусумбоев сержант Усмонов взводига дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтишни, у қирғоқдан қулай плацдарм ишғол этишни буюрди. Сержант жангчиларни тўплаб, қурол-аслаҳаларни кўздан кечириб чиқди. Икки ой мобайнида бу йигитларнинг ҳислатини, нималарга қодирлигини ўрганиб улгурган, улар билан дўстлашиб кетган эди.

— Эртага тонготарда жангга кирамиз, — деди сержант, — Сузишни билмаганлар бу қирғоқда қолишлари мумкин. Кейинроқ, кундузи бошқа взводлар билан бирга у қирғоққа ўтиб олишади.

Сафдан биронта ҳам жангчи жилмади. Йигитлар уч қайиқда шарпасиз сузиб кетишди.

Жангчилар қирғоққа яқинлашиб қолишгандагина душман уларни пайқаб қолди. Теварак-атрофдан дўлдай ўқ ёғдирилди. Ярадорлар инграшар, қолганлар сувга сакраб, қирғоқ сари интилишарди. Усмонов чаққонлик билан юқорига кўтарилди, ўртоқларидан анча илгарилаб кетди. Оллиқроқда душман ҳандақларидан чиқариб ташланган тупроқ қоровойи турар, фашистлар пайдарпай ўт очишарди. Тепалик ёнбағрида Исломов бир дақиқа тўхтади. Автоматига янги ўқдонни жойлаб, дик этиб ўрнидан турди. Жангчилар ғира-ширада сакраб, душман ҳандағига ташланаётган командирни кўриб қолишди. Сержант ўзбек тилида алланимадир деб қичқирди-да, ҳандақ ичида кўринмай кетди. Жангчилар оғир дақиқалардагина Усмонов ўзбек тилида буйруқ беришини яхши билишарди. Ҳозир ҳам грузин, украин, рус, қозоқ йигитлари унинг ҳайқириғини яхши тушунишди. Ҳаммалари ўринларидан қалқиб туришди. Автоматлар тарилар, граналар портлар, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетгандек эди...

Дивизия сиёсий бўлимига ёзилган ахборотдан: «Душман пулемётларининг кучли ўти остида қирғоққа чиқиб бордик. Ислом Усмонов: «Ватан учун!» — деб қичқиргунча, жангчиларни ҳужумга бошлади, душман ҳандағига биринчи бўлиб ташланди. Икки фрицни ўлдириб, бир офицерни асир олди... Канаевское учун бўлган жангларда Усмонов душман ўт очиш нуқтасига паналаб бориб, граналар билан яксон қилди... Шахсан ўзи етти гитлерчини ер тишлатди...».

Орадан бир неча кун ўтгач, декабрнинг бошларида разведкачи Болта Худоёров дўсти билан ўша плацдармда учрашди. Душман жангчиларимизни улар эгаллаб олган маррадан қисиб чиқариш учун зўр бериб уринаётган эди. Туни билан душманнинг олдинги маррасини «тинтиб» чиққан разведкачилар тонготарда Усмонов ертўласига тўпланишди, полк штабига фашистлар янги куч ва техника тўплаётганини маълум қилишди. Командир Худоёровга плацдармда қолишга рухсат берди.

Эрталаб жангчиларимиз эгаллаб турган, бир қаричгина келадиган марра ўтолов ичида қолди. Взвод жангчилари ҳалок бўлишади-ю, лекин орқага чекинишни ўйлашмасди. Уларни уч томондан ўраб ола бошлашди. Фақат чангалзор қирғоқ томони очиқ эди. Кечаси ўша ердан ўзимизникилар томонига ўтиб олиш мумкин эди.

Ячейкаларда, пулемётлар ёнида соқчиларгина қолишган. Ҳамма жангчилар блиндажга, партия-комсомол йиғилишига тўпланишган. Ислом Усмонов жангчиларга қарата оташин нутқ сўзлади:

— Босқинчиларга қарши курашда матонатни бўлишга ант ичганмиз. Украина тупроғи ҳам ўз жонажон тупроғимиз. Озиз тупроғимиз учун ўтмишда аждодларимиз ҳам қаҳрамонларча жанг қилишган. Биз бир қадам ҳам чекиймаймиз. Бунга ҳақиқмиз ҳам йўқ!

Партия-комсомол йиғилишида взвод жангчилари қўлларида қурол ушлаб туришар экан, фашистларга қирон келтиришга, бир қадам ҳам орқага чекинмасликка қарор қилишди. Взвод командири бу қарорни, жангчиларнинг партияга қабул қилишни сўраб ёзган аризаларини разведкачи Худоёровга тутқазди.

— Бу қоғозларда бизнинг номус-ориғимиз баён этилган, — деди у дўстига. — Сен, албатта, полкимизга етиб боришинг, буларни штабга топширишинг лозим.

Сержант яралари енгилелпи боғланган жангчиларни бир қур кўздан кечириб чиқди-да, кейин чангалзор сари судралиб кетишга тараддуланаётган дўстига шундай деб таъкидлади:

— Нон юборишмаса ҳам майли, кўпроқ ўқ-дори юборишса бўлгани...

Разведкачи қирғоқни ёнлаб сойликка тушиб кетди. Душман аскарлари чангалзорга ичкарироқ киришга дов бермай, тепаликдан туриб тўхтовсиз ўқ ёғдиришарди. Дайди ўқ Худоёровнинг бели билан оёғини ялаб ўтди. Лекин оғриққа дош бериб, у ўз полки позицияси сари судралиб кетди. Жанговар ҳимоя группасининг жангчилари тонгга яқин ҳолсиз, ҳушсиз Худоёровни топиб, полк штабига олиб кетишди.

Худоёров ўзига келганида батальон қаҳрамон жангчилари қуршовдан қутқарганини эшитди. Ўша жангда сержант Усмонов оғир яраланибди. Запорожьедаги госпиталда эканлигини эшитди. Худоёров дўстини кўриб келишга отланди. Ҳали битмаган яраси азоб бериб турганига қарамай, госпитал палатасига кириб борди. Сержант разведкачи дўстини кўриб, гоят қувонди кетди. Лекин жилмайишга мойил чеҳрасини оғриқ азоби бурштириб юборди. У билинар-билинмас нафас олар, врачлар қаҳрамон жангчи ҳаётини сақлаб қолиш учун бутун маҳоратларини ишга солишарди. 1944 йил 13 январда сержант Ислом Усмонов вафот этди. Жанговар дўстлари қаҳрамонининг илтимосини бажо келтириб, уни Днепрнинг баланд қирғоғига дафн этишди. Орадан кўп ўтмай, сержант Ислом Усмоновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ҳақида Фармон эълон қилинди.

...Мана, ҳозир кекса жангчи қабр ёнида тўрт ничча бирга ўсган дўстини, жанговар командирини эслайди. Унинг жасорати полкни оёққа турғизганини, взвод эгаллаб тўрт бир қаричгина плацдарм полк учун, кейинроқ эса бутун дивизия учун олдинги марра бўлиб қолганини ёдга олади. Ўша биринчи бўлиб қадам қўйган қаҳрамон учун ўч олишга қасамёд қилган жангчилар ўшанда душманни Ғарбга томон қувиб кетишди.

Яҳё ТУХТАЕВ,
Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Тошкент область, Калинин райони.

Қашқадарё области Китоб районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг кулолчилик цехи хилма-хил идиш-товоқлар билан бирга ёдгорлик буюмлари ҳам тайёрлайди. Цехга Ўзбекистон ССР халқ рассоми Абдулла Файзуллаев бошчилик қилади. Суратда: А. Файзуллаев (чапда) ёш рассом Ойсара Қодировага гул солиш сирларини ўргатмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

СПОРТ

КУРАШ:

УМИДЛИ ПОЛВОНЛАР

Спортнинг миллий кураш тури Ўзбекистонда йилдан-йилга оммавийлашиб бормоқда. Ёш полвонлар ўртасида беллашувларнинг ўтказилиши диққатга сазовордир. 17—18 ёшли полвонларнинг анъанавий мусобақалари бу сафар Наманган областининг Тўрақўрғон ва Бухоро областининг Қоракўл районларида ўтказилди. Фарғонача усулда беллашадиган ёшлар Тўрақўрғондаги «Ёшлик» стадионига ўрнатилган. Полвонлар шахсий команда биринчилиги учун ўзаро куч синашдилар. Ғолиблик учун Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳридан келган 60 нафар курашчи майдонга чиқди.

Наманганлик Эркин Ҳакимов, Эшон Абдуллаев, Шариф Аҳмадалиев, Тошкент области вакили Абдураҳмон Арзиматов, фарғоналик Ғанижон Тиллаев, Жўра Ҳайдаров ва Аҳмад Тўрақуловлар ҳамда андижонлик Марат Хидировларнинг кураш услублари мухлисларни хушнуд этди. Бу полвонлар республика биринчилигига астойдил ҳозирлик кўрганликларини намойиш этдилар. Улар ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилдилар. Шунингдек, наманганлик Шуҳрат Маҳмудов билан фарғоналик Бахтиёр Қўлдошевлар ҳам ўз вазнларида муваффақият қозонишди.

Мусобақага наманганликлар пухта тайёргарлик кўришган экан. Улар беллашувларни муваффақиятли ўтказиб, умумкоманда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Фарғоналик полвонлар билан андижонлик курашчилар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Маълумки, бухороча усулда курашувчиларнинг мусобақалари самбочилар баҳсига ўхшаб кетади. Шу боисдан ҳам Қоракўл райони марказига кўплаб мухлислар йиғилишди. Улар Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари терма командаларининг чиқишларини томоша қилдилар.

Мусобақада бухоролик полвонлар маҳорат кўрсатишди. Уларнинг аксарияти шахсий ҳисобда зафар қучдилар. Бу ютуқ бухоролик ларнинг умумкоманда ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлади. Сурхондарёликлар иккинчи ўринни олишган бўлса, Қашқадарё области вакиллари учинчи ўринга кўтарилдилар. Шахсий ҳисобда ғалабага эришган И. Авезов, Р. Неъматов, Ш. Рўзиев, М. Янгиев, И. Жумақулов, Б. Саломов, А. Фармонов (ҳаммаси Қоракўлдан) З. Муродов (Сурхондарё), Э. Норматов (Самарқанд)ларни мухлислар самимий олқишладилар.

Ўсмирлар ўртасида республика шахсий-команда биринчилигида муваффақият қозонган коллективлар ва умидли полвонларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг дипломлари ва совғалари топширилди. Мусобақа ташкилий жиҳатдан яхши уюштирилди. Лекин беллашувларга республикамизнинг баъзи областларидан вакиллар келишмади. Қизиқ, Жиззах области ва Қорақалпоғистон АССРда команда тузиш учун ноҳотки ўн нафар курашчи топилмаган бўлса. Ваҳолонки, Жиззах областидан республика спорт комитетига берилган ҳисоботда 1466 курашчи, ҚҚАССРда эса 6682 курашчи борлиги қайд этилган. Хуллас, тобора ривожланиб, оммавийлиги ошиб бораётган миллий курашга жиддий эътибор билан қараш керак, деган фикрдамиз.

А. КОМИЛОВ,
мусобақанинг бош судьяси.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **КУРАШ.** Гулистон райони марказида 19—20 ёшли полвонлар ўртасида миллий кураш бўйича республика шахсий-команда биринчилиги ўтказилди. Команда ҳисобида тошкентлик курашчилар пешқадам бўлишди. Фарғона ва Наманган областлари командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга кўтарилдилар. Шахсий ҳисобда тошкентликлардан беш нафар спортчи ғолиблик супасининг юқори поғонасини эгаллади.

● **ШАХМАТ.** Тошкентда эркаклар олий лига шахматчиларининг Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Ўн турдан кейин 7,5 очко тўплаган И. Иванов олдинда бормоқда.

● **ВЕЛОПОЙГА.** Менсикада халқаро кўпкунлик пойгада Польша, Греция, АҚШ, Канада, СССР ва бошқа мамлакатларнинг спортчилари куч синашмоқда. Тошкентлик В. Макарин 66 километрли биринчи босқични бир соату 13 минут 52 секундда босиб, маррага учинчи бўлиб келди.

● **ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ.** Ашхободда академик эшкак эшиш бўйича СССР биринчилигининг зонал мусобақалари бўлди. Бунда республикамизнинг 20 нафар спортчиси муваффақият қозониб, финалга йўлланма олди.

● **ФУТБОЛ.** Иккинчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг тўқиз-инчи тур ўйинлари ўтказилди. Узбекистон зонасида мазкур турдан кейин «Нефтяник» футболчилари 13 очко билан пешқадам бўлиб олишди. «Ёшлик» командаси ҳисобида 12, динамочиларда 11 тадан очко бор.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коммунал гигиена бўлими лабораториялари бўйича:

санитария бактериологияси ва биопрепаратлари лабораторияси мудири (профессор, медицина фанлари доктори);

катта илмий ходимлар (медицина фанлари доктори, катта илмий ходим); сув ва тупроқ гигиенаси, санитария бактериологияси ва биопрепаратлар;

кичик илмий ходимлар: сув ва тупроқ гигиенаси (2 ўрин), атмосфера ҳавоси гигиенаси, турар жой ва микроиқлим гигиенаси, санитария бактериологияси ва биопрепаратлар (4 ўрин).

Меҳнат гигиенаси бўлими лабораториялари бўйича:

мудирлар (профессор, медицина фанлари доктори), меҳнат физиологияси ва гигиенаси, шовқин ва вибрацияни ўрганиш лабораторияси бўйича, химиявий моддалардан фойдаланишда меҳнат гигиенаси ва саноат токсикологияси лабораторияси бўйича, овқатланиш гигиенаси;

катта илмий ходимлар: (медицина фанлари доктори, катта илмий ходим); меҳнат физиологияси ва гигиенаси, медицина ходимларининг меҳнат гигиенасини ўрганиш группаси бўйича, химиявий моддалардан фойдаланишда меҳнат гигиенаси ва саноат токсикологияси, овқатланиш гигиенаси;

кичик илмий ходимлар: меҳнат физиологияси ва гигиенаси (2), медицина ходимларининг меҳнат гигиенасини ўрганиш группаси бўйича, шовқин ва вибрацияни ўрганиш бўйича (2), химиявий моддалардан фойдаланишда меҳнат гигиенаси ва саноат токсикологияси (3), овқатланиш гигиенаси (4).

Қишлоқларнинг комплекс гигиеник проблемалари бўлими лабораториялари бўйича:

мудирлар (профессорлар, фан докторлари); қишлоқ гигиенаси, пестицидлар токсикологияси ва гигиенаси, минерал ўғитлар, биохимия, аналитик химия;

катта илмий ходимлар (медицина фанлари докторлари, катта илмий ходимлар); қишлоқ гигиенаси, пестицидлар токсикологияси ва гигиенаси, минерал ўғитлар (3), биохимия (2), патоморфология группаси, аналитик химия;

кичик илмий ходимлар: қишлоқ гигиенаси (5), пестицидлар токсикологияси ва гигиенаси, минерал ўғитлар (6), биохимия (3), патоморфология группаси (2), аналитик химия (2);

Клиника бўлими лабораториялари бўйича:

клиника-функционал диагностика лабораторияси мудири (профессор, медицина фанлари доктори);

катта илмий ходимлар (медицина фанлари докторлари, катта илмий ходимлар): клиник-функционал диагностика (2), аллергология группаси;

кичик илмий ходимлар: клиник-функционал диагностика (4), аллергология группаси (2).

Ташкилий-методика бўлими кичик илмий ходими.

Илмий-медицина ахборот бўлимига патентшунослик бўйича кичик илмий ходим.

Хўжалик шартномаси билан корхоналарда гигиеник тадқиқотлар ўтказиш бўйича илмий-тадқиқот сектори бўйича:

илмий-тадқиқот сектори раҳбари: (медицина фанлари доктори, катта илмий ходим);

газ саноатида касб касалликлари ва меҳнат гигиенаси бўйича тармоқ лабораторияси мудири (медицина фанлари доктори, катта илмий ходим);

газ саноатида касб касалликлари ва меҳнат гигиенаси бўйича тармоқ лабораториясининг кичик илмий ходимлари (3).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй. Телефон: 66-19-74.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

кафедра мудирлари: қурилиш ишлаб чиқариши, биолог (профессорлар ёки доцентлар), физика (профессор, фан доктори);

кафедра доцентлари: темир йўллар эксплуатацияси, ҳисоблаш техникаси, планлаштириш ва бошқаришнинг математик методлари, темир йўлларни қуриш, назарий механика, химия (ўзбек тилида машғулот ўтиш учун);

кафедра доцентлари ёки ассистентлари: графика, фалсафа;

кафедра катта ўқитувчилари: темир йўллар эксплуатацияси, йўл ва йўл хўжалиги, физика (тайёрлов бўлимида ишлаш учун), жисмоний тарбия ва спорт, тиллар (инглиз тили бўйича);

кафедра ассистентлари: темир йўллар эксплуатацияси (2 ўрин), темир йўл станцияларида ва тармоқлари, темир йўллар ўтадиган жойларни ишлаш ва лойиҳалаш, физика (2), назарий механика;

Душанба ўқув-консультация пунктига доцентлар ёки катта ўқитувчилар: машина деталлари (амалий механика фани бўйича), машиналар ва механизмлар назарияси, аниқ механизмлар расчёти ва конструкцияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кўзга кўринмас одам» фантастик — саргузаштли аттракционининг гастроллари** (19.30).

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
БИООРГАНИК ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
фосфорли органик бирикмалар лабораториясига биокимия ихтисоси бўйича кичик илмий ходим
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Куйбишев кўчаси, 16-уй.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎЗБЕКИСТОН АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
акушерлик ва гинекология ихтисоси бўйича (4 ўрин)

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700060, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 272-уй.

«Ўзсельстройиндустрия» тресті Бектемир темир-бетон буюмлари заводининг йўлқаги
УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги
«ЎЗСАНТЕХГАЗМОНТАЖ»
трестининг
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Шартнома ишлари ва ҳисобкитоблар бўйича ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 75-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29 IV да **Томоша давом этади**, 30 IV да **Келинлар кўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 29 IV да **Шаҳзода ва етим қиз**, 30 IV да **Олтин камар** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29 IV да **Отилмаган ўқ** (19.00), 30 IV да **Биринчи бўса** (19.00).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҚИЗЛАР ДУТОР ЧАЛАДИ...

Қизлар дутор чалади,
Қизлар дутор чалади.
Ушоқ дилимда сассиз
Исён кўтарилади.
Қизлар дутор чалади,
Қизлар дутор чалади,
Бошим узра қафассиз
Осмон кўтарилади.
Қизлар дутор чалади,
Қизлар дутор чалади.
Яшаб бўлмас ҳавассиз
Инсон кўтарилади.
Қизлар дутор чалади,
Қизлар дутор чалади.
Бир зум жоним нафассиз
Туғён кўтарилади.
Қизлар дутор чалади,
Қизлар дутор чалади,
Хаёлимни олади...

ҲИМОЛАЙ

(РЕРИХЛАР КУРГАЗМАСИДА).

Тоғлар ҳам гапираркан,
Хаёлни шопираркан.
Табиат сандиғида
Йўқ ранг ҳам топиларкан.

СОВЧИЛИК

Қирқ уй қуда бўлиб келдик қизлик уйга,
Қарқаралы қиз сақлаган тузлик уйга,
Остонага қирқ от боғлаб излик уйга,
Учоғидан тутун чиққан жизлик уйга
Танга балиқ илинар деб солдик қармоқ,
Ёғлиқ ошга тилла узук билан бармоқ,
Бўла қолдик томирлашган қавм, тармоқ,
Ҳай-ҳай ўлан қиз бермоғу қиз чиқармоқ.

БИР ҲОЛАТ

Бўз йигит кетарди — елкада қанор,
Қанорнинг ичида дўппайган анор.
Бир қари кетарди — қўлида тўрва,
Тўрванинг ичида бир сиқим ғўра.
Юкдами десам гап, ўзга экан ҳол:
Кўзи оч ўғлон-у, меъдаси тўқ чол.

ЛАБИҲОВУЗ ЛАЙЛАГИ

Қуш десам, оёғи, қаноти узун,
Жонивор санамас Лайлак ҳам ўзин
У на бир қизиқчи ва на бир дорбоз
Қари тут устида қаққайган сарбоз
Миқ этмас, тартибли, унсиз жавоби
Гўёки, Бухоро тек, унга тобе.

* * *

Устидаги юкнинг вазнини
Туянинг ўркачи билар.
Қўшиқнинг енгил, вазминини
Шоирнинг юраги билар.

СОДДА ШЕЪРИМ

Узимдай содда шеърим,
Табиий модда шеърим
Ҳар замон бир туғилган
Эй фавқулодда шеърим,
Бўлма сипо, олифта
Қотиб қолма қолипда.
Суқ тушир, рашк ўтин ёқ
Ҳаттоким мухолифда.

Султон АКБАРИЙ.

ҲАР ТЎҒРИДА

МУДҲИШ СТАТИСТИКА

Тоғ чанғи спорти австрияликларнинг энг севимли спорт ўйинларидан бири бўлиб қолган. Бироқ спортнинг бу хил тури ҳар йили 80 минг бахтсиз ҳодисага дучор қилмоқда ва медицинанинг аралашувига тўғри келаётир. Шикастланаётганларнинг кўпи стационарга ётқизилиб даволанаётир. «Винер цайтунг» газетасининг ёзишича қараганда бу ҳодисаларнинг аксарият кўпчилиги чанғи учишдаги тажрибасизлик, чанғи трассасида қондага амал қилмаслик ва маст ҳолда учиш натижасида содир бўлмоқда.

ХИЛМА-ХИЛ ДОРИЛАР

Жаҳоннинг 60 мамлакати, шу жумладан Совет Иттифоқида ҳам «ГДРда ясалган» деб марка қўйилган медицина препаратлари кенг маълум. Бу дори-дармонлар Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ягона нормалари ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига мувофиқ синчиклаб синовдан ўтказилганидан кейингина беморлар қўлига келиб тегади.

Халқ хокимияти йилларида Дрезден, ГДРнинг бошқа шаҳарларида қурилган замонавий фармацевтика корхоналарида ҳозир 15 минг киши ишламоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Опера билан учрашув. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Спортчилар класси. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Шахмат дарслари. 18.00 — Олтин водий тароналари. 18.35 — Жасорат. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истаймиз. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.10 — Илмий ҳамкорлик. 20.25 — Имтиҳонга тайёргарлик. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Драматик театрлар артистлари куйлайди. 22.50 — Футбол бўйича халқаро учрашув. Швеция — СССР терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

17.35 — Кучукчаларнинг саргузаштлари. 17.40 — Камалак. 18.10 — Миллионлар лениниана университети. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва навонинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзаро парваришини авж олдирайлик. 22.20 — Осмон секин юрари. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ешлик. 20.55 — Байрамолди рекламаси. 21.10 — Физика. 22.10 — Эстрада программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Узбекистон ёш композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Баҳор тароналари. 12.10 — Гулда, яшна, қўриқ ўлка! 13.00 — Илғор тажриба мактаби марш-рутлари бўйлаб. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Мусобақа — муваффақият гарови. 18.50 — Ешлик. 19.45 — Найда И. Қодиров чалади. 20.25 — Халқ қўшиқлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Шеърият кечаси. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.20 — Дам олиш соатида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-53-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 33-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, маданий ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-43; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-83; Жиззах — 31-66, Нашриёт диспетчери — 32-78-94, Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 01957. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 99. 10